

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

50-сон
(1018)
2021 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

751. «Фавқулодда ҳолат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-737-сон Конституциявий Қонуни

Иккинчи бўлим

752. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини ўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги ПФ-34-сон Фармони

753. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 марта даги «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5031-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 декабрдаги ПҚ-51-сон қарори

754. «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сон қарори
755. «Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ахолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-кувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги ПҚ-54-сон қарори

Учинчи бўлим

756. «Кимё саноати учун инновацион кимёвий илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 декабрдаги 753-сон қарори
757. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 декабрдаги 756-сон қарори
758. «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 декабрдаги 757-сон қарори

Бешинчи бўлим

759. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 12 ноябрдаги 428-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни ҳисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журнallарини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш хақида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702-2)
760. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 17 ноябрдаги 344-В-6-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2021 йил 11 ноябрдаги 42-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиш

ни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидала-
рига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 13 декабрда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-6)

761. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 18/ЮБ-13-сон «Магистраль нефть маҳсулотлари қувурлари куришда ишлар хавфсизлиги қоидаларирига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2655-1)
762. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 3 ноябрдаги 415-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342)
763. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 25 ноябрдаги 27/4-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўрикномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3340)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий
хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНЫ

751 Фавқулодда ҳолат түғрисида*

Конунчиллик палатаси томонидан
2021 йил 24 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маңқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади

Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолатни жорий этиш шартлари ва тартибини белгилашдан иборат.

2-модда. Фавқулодда ҳолат түгрисидаги қонунчилик

Фавқулодда ҳолат түғрисидаги қонунчилек ушбу Конституцияий Қонун ва бошқа қонунчилек хужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий түшүнчалар

Ушбу Конституцияйий Қонунда күйидаги асосий түшүнчалар қўлланилади:

комендантилек соати — сутканинг маҳсус берилган рухсатномаларсиз ва шахсни тасдиқловчи хужжатларсиз кўчаларда ҳамда бошқа жамоат жойларида ёхуд турар жойдан ташқарида бўлишга тақиқ белгиланган вақти;

фавқулодда ҳолат — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хукуқ ва эркинликларига, шунингдек юридик шахсларнинг хукукларига нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган айrim чекловлар белгилашга ўйлайдиган ҳамда уларнинг зиммасига кўшимча мажбуриятлар юклайдиган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тартиб этилган.

* Ушбу Қонун «Қонунчилік маълумотлари миллий базасы»да 2021 йил 16 декабряда өзіндең көмегінде жүргізілген.

ликасининг бутун худудида ёки айрим жойларида вақтинча жорий қилинадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-хукукий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг алоҳида хукукий режими;

фавқулодда ҳолат жорий этилаётган худудларнинг чегаралари (бундан бўён матнда фавқулодда ҳолат жорий этилаётган худудлар деб юритилади) — Ўзбекистон Республикасининг бутун худуди ёхуд бир ёки бир неча маъмурӣ-худудий бирликлари ёхуд уларнинг қисмини қамраб олувчи фавқулодда ҳолат режими амал қилиши доираси;

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича давлат комиссияси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан фавқулодда ҳолат даврига тузиладиган вақтинчалик маҳсус давлат бошқаруви органи;

худуд коменданти — худуд комендатураси фаолиятига раҳбарлик қилувчи ҳамда фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи кучлар ва воситаларнинг ягона бошқарувини амалга оширувчи мансабдор шахс;

худуд комендатураси — фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи кучлар ва воситаларни бошқариш учун ташкил этиладиган вақтинчалик маҳсус давлат бошқаруви органи.

4-модда. Фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадлари

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадлари уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишдан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва худудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

2-боб. Фавқулодда ҳолатни жорий этиш ҳоллари ва тартиби

5-модда. Фавқулодда ҳолатни жорий этиш ҳоллари

Фавқулодда ҳолат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига ва (ёки) худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга уринишлар, оммавий тартибсизликлар, террорчилик ҳаракатлари, шунингдек зўравонлик ҳаракатлари билан бир вақтда юз берадиган, фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг кундалик фаолиятига бевосита таҳдид соладиган ҳамда тои-

реал ташқи хавф, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ва (ёки) худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга уринишлар, оммавий тартибсизликлар, террорчилик ҳаракатлари, шунингдек зўравонлик ҳаракатлари билан бир вақтда юз берадиган, фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ва хавфсизлигига, давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг кундалик фаолиятига бевосита таҳдид солувчи ўта муҳим ҳамда тои-

фаланган объектларни ёки айрим жойларни тўсиш ёки босиб олиш, қонунга хилоф қуролли тузилмаларни тайёрлаш (ташкил этиш) ва уларнинг фаолияти, миллатлараро, конфессиялараро ва чегаравий низолар;

кенг қамровли авария-күтқарув ишлари ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар амалга оширилишини талаб этадиган йирик ҳалокатлар, табиий оғатлар, эпидемиялар ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, фавқулодда экологик вазиятлар.

6-модда. Фавқулодда ҳолатни жорий этиш

Фавқулодда ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки айрим жойларida жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони дарҳол оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони уч сутка ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ва Сенатига тасдиқлаш учун киритилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида қўйидагилар белгиланади:

фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

фавқулодда ҳолатни жорий этиш заруратининг асоси;

фавқулодда ҳолат жорий этилаётган ҳудуднинг чегаралари;

фавқулодда ҳолат режимини таъминлайдиган кучлар ва воситалар;

фавқулодда чоралар рўйхати ва уларни қўллаш чегаралари, вақтинчалик чекловларнинг қатъий рўйхати;

фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган фавқулодда чораларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари;

фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида ташкил этиладиган маҳсус давлат бошқаруви органлари ва уларнинг ваколатлари;

фармон кучга кирадиган сана ва вақт, шунингдек фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси

ва Сенатининг қўшма мажлиси ўтказиладиган жойга дарҳол, маҳсус чақи-рувсиз етиб келиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатаси қўмиталарида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ушбу фармонни тасдиқлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади ҳамда қўшма қарор қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш масаласига доир қўшма қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланмаган фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан ўз кучини йўқотади. Бу ҳақда ахоли фавқулодда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда хабардор қилинади.

9-модда. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари

Фавқулодда ҳолат жорий этилганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун даври мобайнида ўз ишини давом эттиради ва тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

10-модда. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати

Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида жорий этиладиган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати ўттиз суткадан, унинг айrim жойларида жорий этиладиган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати эса олтмиш суткадан ошиши мумкин эмас.

Агар фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадларига эришилмаган бўлса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан яна бир муддатга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда ахоли фавқулодда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги фармони ушбу Конституциявий Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланади.

11-модда. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш

Агар фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тўлиқ ёки қисман, шу жумладан муддатидан илгари тугатилади. Бу ҳақда ахоли фавқулодда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги фармони ушбу Конституциявий Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланади.

3-боб. Фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтингчалик чекловлар

12-модда. Фавқулодда ҳолат жорий этилганда қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтингчалик чекловлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида кўйидаги фавқулодда чоралар ва вақтингчалик чекловлар жорий этилиши назарда тутилиши мумкин:

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда давлат бошқаруви органларининг (улар таркиби бўлинмаларининг), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиш эркинлигига нисбатан чекловлар, шунингдек мазкур ҳудудга кириш ва ундан чиқишининг алоҳида режими, шу жумладан мазкур ҳудудга, зарур бўлганда эса Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши ҳамда ушбу ҳудудларда туришига нисбатан чекловлар;

жамоат тартибини, ўта муҳим ва тоифаланган обьектларни ҳамда ахолининг ҳаёт фаолиятини ва транспортнинг ҳаракатланишини таъминловчи обьектларни муҳофаза қилишни кучайтириш;

фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга, шу жумладан товарларни реализация қилишга, ишларни бажаришга ва хизматлар кўрсатишга нисбатан чекловлар;

озиқ-овқатни ва энг зарур нарсаларни сотиш, сотиб олиш ҳамда тақсимлашнинг алоҳида тартиби;

йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар, шунингдек бошқа оммавий тадбирлар ўтказилишини тақиқлаш ёки чеклаш;

транспорт воситаларининг харакатини чеклаш ва уларни кўздан кечиришни амалга ошириш;

хавфли ишлаб чиқаришлар ҳамда портловчи, радиоактив, шунингдек хавфли кимёвий ва биологик моддалардан фойдаланадиган ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб туриш;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан моддий ва маданий қимматликларнинг йўқ қилинишига, ўғирланишига ёки шикастланишига аник таҳдид мавжуд бўлган тақдирда, уларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш, кўчмас объектларга, шу жумладан моддий маданий мерос объектларига нисбатан эса уларни муҳофаза қилишга доир тегишлиchorалар кўриш.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларга қараб, мазкур модданинг биринчи қисмида, шунингдек ушбу Конституциявий Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида назарда тутилган фавқулодда chorалар ва вактинчалик чекловларнинг бутун мажмуюи ҳам, уларнинг айримлари ҳам жорий этилиши мумкин.

13-модда. Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг иккинчи хатбоисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда жорий этилган фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган фавқулодда chorалар ва вактинчалик чекловлар

Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг иккинчи хатбоисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, фавқулодда ҳолат жорий этилаётган ҳудудда ушбу Конституциявий Қонуннинг 12-моддасида кўрсатилган фавқулодда chorаларга ва вактинчалик чекловларга қўшимча равища Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони билан қўйидағи қўшимча фавқулодда chorалар ва вактинчалик чекловлар назарда тутилиши мумкин:

командантлик соатини жорий этиш;

ҳудудий мудофаа тадбирларини амалга ошириш;

оммавий ахборот воситалари фаолиятини чеклаш шартлари ва тартиби кўрсатилган ҳолда бундай фаолиятни чеклаш, шунингдек босма маҳсулотни, радиоузатувчи, овоз кучайтирувчи воситаларни, нусха кўпайтириш техникасини вактинча олиб қўйиш ёки хатлаш, журналистлар аккредитациясини ўтказишнинг алоҳида тартибини белгилаш;

фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга монелик қилаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий кўригини, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар текширувини, ашёларни, уй-жойни ва транспорт воситаларини кўздан кечиришни ўтказиш;

куролни, унинг ўқ-дориларини, портловчи моддаларни, махсус воситаларни, захарли моддаларни реализация қилишни тақиқлаш, таркибида гиёхвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари ва препаратлар, этил спирти, алкоголь маҳсулотлари муомалада бўлишининг алоҳида режимини белгилаш. Алоҳида ҳолларда фуқаролардан куролни ва ўқ-дориларни, ташкилотлардан куролни ва унинг ўқ-дориларини, махсус воситалар ва захарли моддаларни, шунингдек жанговар ва ўкув-жанговар ҳарбий техникани, портловчи ва радиоактив моддаларни вактинча олиб қўйиш;

фавқулодда ҳолат режимини бузайётган ва фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда яшамайдиган шахсларни белгиланган тартибида ушбу худуддан ташқарига ўз ҳисобидан чиқариб юбориш, уларда маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса харажатларнинг ўрнини кейинчалик суд тартибида ушбу шахслардан ундирган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чиқариб юбориш.

14-модда. Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда жорий этилган фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар

Ушбу Конституциявий Қонун 5-моддасининг учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, фавқулодда ҳолат жорий этилаётган худудда ушбу Конституциявий Қонунинг 12-моддасида кўрсатилган фавқулодда чораларга ва вақтинчалик чекловларга қўшимча равища Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармони билан қўйидаги қўшимча фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар назарда тутилиши мумкин:

аҳолини хавфсиз худудларга вақтинча яшаб туриш учун стационар ёки кўчма туарар жойлар мажбурий равища берилган ҳолда эвакуация қилиш;

карантин жорий этиш, санитария-эпидемияга қарши, ветеринария тадбирларини ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;

давлат захираларини жалб этиш, мулкчилик шаклларидан ва ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар, ташкилотларнинг ресурсларини сафарбар этиш, уларнинг иш режимини ўзгартириш, мазкур ташкилотларни фавқулодда ҳолат шароитларида зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини фавқулодда ҳолат шароитларида зарур бўлган бошқача тарзда ўзгартириш;

авария-күтқарув ишларини ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ҳамда таъминлаш зарурати билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолларда мазкур ишларни амалга ошириш учун меҳнатга лаёқатли аҳолини, юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мажбурий равища риоя этган ҳолда жалб этиш.

15-модда. Сайловлар ва референдумлар ўтказишни чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати давомида сайловлар ва референдумлар ўтказилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим жойида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун даври мобайнида ушбу жойда жойлашган ҳалқ депутатлари Кенгашларига сайлов ва фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови ўтказилмайди.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар ваколатларининг муддати тугаган тақдирда уларнинг ваколатлари муддати, агар мазкур органлар ва шахсларнинг ваколатлари ушбу Конституциявий Қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб турилмаган бўлса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даври тугагунига қадар узайтирилади.

16-модда. Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар буйруклари ва қарорларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг амал қилишини ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонига зид бўлган тақдирда, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддатига тўхтатиб туришга ҳақли.

4-боб. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида ташкил этиладиган маҳсус давлат бошқаруви органлари**17-модда. Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича маҳсус давлат бошқаруви органлари**

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга оид масалаларни дарҳол ҳал этиш ва тадбирларни амалга ошириш мақсадида фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича маҳсус давлат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин бўлиб, улар жумласига қўйидагилар киради:

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича давлат комиссияси (бундан бўён матнда Давлат комиссияси деб юритилади);
худуд комендатураси.

Икки ва ундан ортиқ ҳудудлар комендатураси ташкил этилган тақдирда, Давлат комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тузилади.

18-модда. Давлат комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари

Давлат комиссиясининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудни бошқариш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар натижасида жабрланган фуқаролар вақтинча яшаш, шунингдек уларга зарур ёрдам кўрсатиш учун стационар ёки кўчма турар жойларга вақтинча жойлаштиришини ташкил этиш;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудларда давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, бошқа ташкилотларнинг ҳамда ҳудудлар комендатураларининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида ўтказиладиган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш.

Давлат комиссияси қўйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва ҳудудлар комендатураларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

Давлат комиссиясининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш масалалари юзасидан давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ни ва ҳудудлар комендантларини эшитади;

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа ташкилотлардан ва ҳудудлар комендантларидан Давлат комиссиясининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган хужжатлар ҳамда маълумотларни сўраб олади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва ҳудудлар комендатуралари томонидан фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишга доир тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади;

таҳлилий, экспертга оид ва бошқа ишларни бажариш учун давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини жалб этади;

ушбу Конституциявий Қонун 12-моддасининг биринчи қисмида, 13 ва 14-моддаларида кўрсатилган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар жорий этилишининг самарадорлигини кўриб чиқади. Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар тўлиқ ёки қисман бартараф этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентига фавқулодда чораларни ва вақтинчалик чекловларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёки фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида тегишли таклифлар киритади.

Давлат комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш масалалари бўйича норматив-хуқуқий хужжатларнинг тегишли лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритади.

19-модда. Давлат комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

Давлат комиссияси давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар вакилларидан ва ҳудудлар комендантиридан иборат таркибда тузилади.

Давлат комиссиясининг таркиби ва Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Давлат комиссиясининг фаолияти раисдан, котибдан ва бошқа аъзолардан иборат таркибда амалга оширилади.

Давлат комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир.

Давлат комиссияси аъзоларининг ва унинг ишини таъминлаш учун жалб этиладиган мутахассисларнинг иш ўринлари ҳамда асосий иш жойидаги иш ҳаки сақланиб қолади.

Давлат комиссиясининг мажлислари заруратга қараб, унинг раиси томонидан чақирилади, қарорлари эса баённома шаклида расмийлаштирилади. Давлат комиссияси аъзолари мажлисларда алмаштириш хуқуқисиз иштирок этади.

Давлат комиссиясининг мажлис кун тартибидаги ҳар бир масалага доир қарорлари очик овоз бериш орқали қабул қилинади ҳамда, агар Давлат комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилиги улар учун овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Давлат комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи бўлади. Давлат комиссиясининг ўз ваколатларига мувофиқ қабул қилинадиган қарорлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудларнинг комендантуралари, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар томонидан баражарилиши шарт.

20-модда. Ҳудуд коменданти

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи кучлар ва воситаларнинг ягона бошқарувини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан ҳудуд коменданти тайинланади.

Ҳудуд коменданти Ўзбекистон Республикаси Президентига, Давлат комиссияси тузилганда эса Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Давлат комиссияси раисига бўйсунади.

Ҳудуд коменданти:

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш масалалари юзасидан барча давлат бошқаруви органлари (уларнинг таркибий бўлинмалари), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан тегишли ҳудудда бажарилиши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишларни ўз ваколатлари доирасида чиқаради;

комендантилик соатининг вақтини ва амал қилиш муддатини белгилайди;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудга кириш ва ундан чиқишининг алоҳида режимини белгилайди;

куролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, маҳсус воситаларни, заҳарли моддаларни, таркибида гиёхвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар мавжуд бўлган дori воситаларини ва препаратларни, этил спиртини, алкоголь маҳсулотини реализация қилишни тақиқлаш бўйича чоралар кўради;

фуқаролардан вақтинча олиб қўйилган қуролни ва ўқ-дориларни, ташкилотлардан вақтинча олиб қўйилган қуролни ва унинг ўқ-дориларини, маҳсус воситаларни, портловчи, заҳарли ҳамда радиоактив моддаларни, шунингдек жанговар ва ўқув-жанговар техникани сақлаш тартиби ва жойларини белгилайди;

фавқулодда ҳолат режимини бузайтган шахсларни фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудуддан ташқарига, уларнинг ҳаётига, соғлиғига ва хавф-сизлигига хавф туғдирмайдиган ҳудудга белгиланган тартибда чиқариб юборади;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда ушбу Конституциявий Қонуннинг 12, 13 ва 14-моддаларида назарда тутилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонига мувофиқ ҳали қўлланилмаган қўшимча фавқулодда чораларни ва вақтинчалик чекловларни қўллаш зарурати ҳақидаги асослантирилган таклифлар билан Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Давлат комиссияси расисига мурожаат қиласди;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолат режимини таъминлашга доир тадбирларни қўшимча равишда молиялаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудуд аҳолисини юзага келган фавқулодда ҳолат ҳамда фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган айрим фавқулодда чораларни ва вақтинчалик чекловларни бажариш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласди;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда журналистларни аккредитация қилишнинг алоҳида тартибига риоя этилишини ҳамда уларнинг иш тартибини таъминлайди;

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда аҳолининг нормал ҳаёт фаолиятини сақлаб туриш ва таъминлаш учун зарур чоралар кўради.

Ҳудуд коменданти фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фаолият кўрсатувчи давлат бошқаруви органларининг (улар таркибий бўлинмаларининг), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг барча мажлисларида иштирок этишга ҳамда ушбу Конституциявий Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан ўз вако-

латлари жумласига киритилган масалалар бўйича таклифлар киритишга ҳақли.

Худуд коменданти худуд комендатурасига раҳбарликни амалга оширади. Худуд комендатурасининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, худуд комендатурасининг ташкил этилиши фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда фаолият юритувчи давлат бошқаруви органларининг (улар таркибий бўлинмаларининг) ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини тўхтатиб турмайди.

**5-боб. Фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи
(сақловчи) кучлар ва воситалар**

21-модда. Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш учун кучлар ва воситалар

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларининг кучлари ва воситаларидан фойдаланилади.

**22-модда. Фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи кучлар
ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштириш**

Фавқулодда ҳолат режимини таъминловчи кучлар ва воситаларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун худуд комендатураси таркибida ҳудуд коменданти томонидан тегишли давлат бошқаруви органларининг (улар таркибий бўлинмаларининг) ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакиллари орасидан тезкор штаб тузилади.

Тезкор штабга худуд коменданти раҳбарлик қиласи.

**23-модда. Фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун
қўшимча кучлар ва воситаларни жалб этиш**

Алоҳида ҳолларда, ушбу Конституциявий Қонуннинг 21-моддасида кўрсатилган кучлар ва воситаларга қўшимча равишда, фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кучлари ва воситалари жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги куйидаги вазифаларни бажариш учун жалб этилади:

фавқулодда ҳолат жорий этилган худудга кириш ва ундан чиқишининг алоҳида режимини сақлаб туриш;

ахолининг ҳаёт фаолиятини ва транспортнинг ҳаракатланишини таъмин-

ловчи объектларни ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиги, шунингдек атроф-муҳит учун юқори хавф түғдирадиган обьектларни муҳофаза қилиш;

курол, жанговар ва маҳсус техника қўлланилган ҳолда зўравонлик ҳаракатлари билан бирга юз берадиган тўқнашувларда иштирок этаётган қарама-қарши курашаётган тарафларни ажратиш;

қонунга хилоф қуролли тузилмалар фаолиятига чек қўйишда иштирок этиш;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг кучлари таркибида фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда, шунингдек одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишида иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи — бешинчи хатбошиларида қўрсатилган вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда, ушбу модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда бажаради.

6-боб. Фавқулодда ҳолат шароитларида жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек мансабдор шахслар ҳуқуқларининг кафолатлари

24-модда. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида жисмоний ва юридик шахслар мулкий ва ижтимоий ҳуқуқларининг кафолатлари

Ушбу Конституциявий Қонун 14-моддасининг бешинчи хатбошисига мувофиқ авария-қутқарув ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ҳамда таъминлаш учун жалб этилган шахслар меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўлаш кафолатланади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Банд бўлмаган аҳоли орасидан авария-қутқарув ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ҳамда таъминлаш учун жалб этилган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар натижасида ёки бундай ҳолатларни йўқ қилиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чоралар қўлланилиши муносабати билан жабрланган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган шартлар асосида ва тартибда турар жойлар берилади, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланади, ишга жойлашишда қўмак берилади ва зарур ёрдам қўрсатилади.

Ушбу Конституциявий Қонун 14-моддасининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган фавқулодда чоралар ва вактинчалик чекловлар оқибатида зарар кўрган шахсларга ушбу зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қопланади.

25-модда. Фавқулодда ҳолатни таъминлашда (сақлаб туришда) иштирок этган шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва компенсациялар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳамда Мудофаа вазирлигининг ходимларига ва ҳарбий хизматчилари-га, шунингдек фавқулодда ҳолат режимини таъминлашда (сақлаб туришда) иштирок этган бошқа шахсларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган қўшимча кафолатлар ва компенсациялар татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби, шунингдек мазкур шахсларга нисбатан қўшимча кафолатлар ва компенсациялар қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

26-модда. Фавқулодда ҳолат шароитларида фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловларни қўллаш чегаралари

Фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқук ва эркинликларининг, шунингдек юридик шахслар ҳуқуқларининг алоҳида чекловлари белгиланишига сабаб бўладиган ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклатадиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар қонунга мувофиқ вужудга келган фавқулодда ҳолат талаб этадиган чегаралар доирасида амалга оширилиши керак.

Фавқулодда ҳолат шароитларида қўлланиладиган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро шартномаларига зид бўлмаслиги керак. Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши инсон ва фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24, 25, 26-моддаларида, 27-моддасининг биринчи қисмида, 30, 31 ва 44-моддаларида назарда тутилган ҳуқук ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди.

Ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар қатъийдир, улар кенгайтириб талқин этилмайди ва бошқа чекловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

27-модда. Жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни, жанговар ва маҳсус техникани ҳамда ўқотар қуролни қўллаш шартлари ва чегаралари

Жисмоний куч ишлатишнинг, маҳсус воситаларни, жанговар ва маҳсус техникани ҳамда ўқотар қуролни қўллашнинг қонунларда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шартлари ва чегаралари фавқулодда ҳолат шароитларида ўзгартирилмайди.

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлашга (сақлаб туришга) жалб этилган шахсларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқиши, шунингдек қонунга хилоф равища куч ишлатиши, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

28-модда. Комендантилик соати қоидаларини бузган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби

Комендантилик соати қоидаларини бузган шахслар комендантилик соати тугагунига қадар ушлаб турилади, ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган (ўз шахси ҳақидаги маълумотларни яшираётган) шахслар эса ички ишлар органи бошлиғининг қарорига кўра кўпи билан йигирма тўрт соат муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Ушлаб турилган шахслар, уларнинг ёнида бўлган нарсалар ва ҳужжатлар, шунингдек уларнинг транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирилиши мумкин.

Ички ишлар органи бошлиғининг маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи органга (mansabdor шахсга) ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Ички ишлар органи бошлиғининг комендантилик соати қоидаларини бузган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги қарорининг қонунийлиги ва ушлаб турилган шахсларни саклаш тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш прокурор томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хавфли юқумли касалликлари юзага келиши ҳамда тарқалиши хавфи туфайли чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган тақдирда, фавқулодда ҳолат режимини бузган, мазкур жойда яшамайдиган ҳамда ушбу жойдан ташқарига чиқариб юборилиши лозим бўлган фуқаролар шу шахслар учун белгиланган тиббий кузатув муддати тугагунига қадар умумий асосларда ушлаб турилади.

29-модда. Фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатишнинг хуқуқий оқибатлари

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг хуқуқларини вақтинча чеклаш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда бошқа нормативхуқуқий ҳужжатлар, худуд комендантилининг буйруқлари ва фармойишларининг амал қилиши фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши тугатилиши билан бир вақтда тутатилиди.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилишини тугатиш фавқулодда ҳолат режимини бузиш тўғрисидаги маъмурий ишни юритишнинг тугатилишига ва маъмурий йўл билан ушлаб турилган шахсларнинг ёки мазкур хукуқбузарликни содир этганлиги учун ўзига нисбатан маъмурий қамоққа олиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланилган шахсларнинг дархол озод этилишига сабаб бўлади.

30-модда. Фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда одил судловни амалга ошириш

Фавқулодда ҳолат жорий этилган худудда одил судлов факат суд то-

монидан амалга оширилади. Мазкур ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунгига мувофиқ ташкил этилган барча судлар фаолият кўрсатади.

Фавқулодда судларнинг бирор-бир шаклини ёки турини яратишга, ҳудди шунингдек тезлаштирилган ёки фавқулодда суд ишларини юритишининг ҳар қандай шакллари ва турларини қўллашга йўл кўйилмайди.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фаолият кўрсатаётган судлар томонидан одил судловни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, судларда кўриб чиқиладиган ишларнинг судловга тегишилиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарорига кўра ўзgartирилиши мумкин.

7-боб. Якунловчи қоидалар

31-модда. Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга доир ишларни молиялаштириш

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга доир ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида Давлат комиссиясига ва (ёки) ҳудуд комендантига ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ва ижтимоий соҳа объектларини, уй-жой фондини тиклашга, фуқароларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга, фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда жойлашган тегишли ташкилотларга компенсациялар тўлашга йўналтирилаётган маблағларни белгиланган тартибда тасарруф этиш вазифалари топширилиши мумкин.

32-модда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини фавқулодда ҳолатни жорий этиш ва унинг амал қилиш даврини тугатиш тўғрисида хабардор қилиш

Ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактдан (Нью-Йорк, 1966 йил 16 декабрь) келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кунлик муддатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини мазкур халқаро шартномада назарда тутилган инсоннинг фуқаролик ва сиёсий ҳукуқларини вақтинча чеклаш ҳажми ҳамда фавқулодда ҳолатни жорий этиш шартлари тўғрисида хабардор қиласи.

Фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши узайтирилган тақдирда Бирлаш-

ган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котиби фавқулодда ҳолат жорий этилиши ҳақида қандай тартибда хабардор қилинган бўлса, худди шундай тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котибини фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши тугатилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари қоидаларининг амал қилиши тўлиқ ҳажмда тикланганлиги тўғрисида хабардор қиласи.

33-модда. Чегарадош давлатларни фавқулодда ҳолат жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикасининг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 24 соат ичидаги чегарадош давлатларни фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар тўғрисида хабардор қиласи.

34-модда. Халқаро инсонпарварлик ёрдами

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда халқаро инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

35-модда. Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги конунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги конунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

36-модда. Ушбу Конституциявий Конуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

37-модда. Конунчиликни ушбу Конституциявий Конунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Конституциявий Конунга мувофиқлаштирисин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

38-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 декабрь,
ЎРҚ-737-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

752 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5087-сон ва 2021 йил 19 июлдаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини тугатишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5187-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 декабрь,
ПФ-34-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги
ПФ-34-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони 3-бандининг тўртинчи хатбошисида:

«Ўзбекистон Республикалар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни» сўzlари «Тадбиркорлик фаолиятини» сўzlари билан алмаштирилсин;

«10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5721-сон Фармони 3-бандининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикалар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни» сўzlари «Тадбиркорлик фаолиятини» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ-5780-сон Фармонида:

а) 24-банднинг «в» кичик бандида:

тўртинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«савдо (бундан экспортолди молиялаштириш мустасно), умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 25-банднинг «б» кичик бандида:

биринчи хатбошидан «бизнес ва» сўzlари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «1,5» рақами «1,75» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сон Фармони 1-бандининг еттинчи хатбошисида:

«ажратиладиган» сўзидан кейин «10 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги» сўzlари билан тўлдирилсин;

«ҳажми,» сўзи чиқариб ташлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдағи «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6074-сон Фармони 6-бандининг «а» кичик бандида:

биринчи хатбоши «хисобидан» сўзидан кейин «кичик» сўзи билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоидаги «1,5» рақами «1,75» рақами билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6244-сон Фармонининг 2-бандида:

а) биринчи хатбоши «амалга ошираётган» сўzlаридан кейин «кичик» сўзи билан тўлдирилсин;

б) «а» кичик бандда:

«15» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин;

«кафолатлар» сўзи «кафилликлар» сўзи билан алмаштирилсин;

в) «б» кичик банднинг биринчи хатбошиси «корхоналарига» сўзидан кейин «10 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда» сўzlари билан тўлдирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6262-сон Фармонининг 4-бандида:

биринчи хатбоши «шуғулланувчи» сўзидан кейин «кичик» сўзи билан тўлдирилсин;

«б» кичик банддаги «10» рақами «8» рақами билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон қарорида:

а) 4-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кичик тадбиркорлик субъектларига ушбу бандда назарда тутилган маблағлар эвазига 10 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги кредитлар тижорат фоиз ставкаси бўйича унинг 50 фоизини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилган ҳолда берилади»;

б) 5-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Балиқчилик лойиҳалари бўйича (аквакультура йўналишидаги) уни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан 2019 — 2022 йилларда ажратилаётган 10 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги кредит фоизи учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация беришнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4022-сон қарорининг 7-бандида:

иккинчи хатбошидаги «уланиш;» сўзи «уланиш ҳуқуки берилсин.» сўzlари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4047-сон қарорининг 5-бандида:

а) биринчи хатбошида:

«қиймати,» сўзи чиқариб ташлансин;

«ажратиладиган» сўзидан кейин «10 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдордаги» сўzlари билан тўлдирилсан;

б) биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни» сўzlари «Тадбиркорлик фаолиятини» сўzlари билан алмаштирилсан.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартағи «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4243-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан озуқабоп экинлар етиширувчиларга томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун 5 йилгacha муддатга ажратиладиган кредитларнинг валюта туридан қатъи назар, эквиваленти 10 миллиард сўмдан ошмайдиган қисми бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида, бироқ кредит ставкасининг 10 фоизлик пунктидан ошмаган миқдорда қопланади».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сон қарори 4-бандининг «д» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни» сўzlари «Тадбиркорлик фаолиятини» сўzlари билан алмаштирилсан;

иккинчи хатбошидаги «суммасидан қатъи назар» сўzlари «суммаси 10 миллиард сўмдан ошмайдиган» сўzlари билан алмаштирилсан.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сон қарори 7-бандининг «б» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни» сўзлари «Тадбиркорлик фаолиятини» сўзлари билан алмаштирилсинг;

иккинчи хатбошидаги «1,5» рақами «1,75» рақами билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдағи «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон қарори 5-бандида:

«20» рақами «10» рақами билан алмаштирилсинг;

«кредит суммасининг» сўзларидан олдин «8 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича» сўзлари билан тўлдирилсинг.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартағи «Фалла етиштириш, харид қилиш ва сотишига бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4634-сон қарори 6-банди «б» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «50» рақами «10» рақами билан алмаштирилсинг.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдағи «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4829-сон қарори 17-бандининг «б» кичик бандидаги «1,5» рақами «1,75» рақами билан алмаштирилсинг.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4899-сон қарори 14-бандининг «а» кичик банди тўртинчи хатбошидаги «1,5» рақами «1,75» рақами билан алмаштирилсинг.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдағи «2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4995-сон қарори 3-бандида:

«Боботоғ ҳудудида» сўзларидан кейин «кичик» сўзи билан тўлдирилсин;

«1,5» рақами «1,75» рақами билан алмаштирилсинг.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 мартағи «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5011-сон қарорининг 3-бандидаги «1,5» рақами «1,75» рақами билан ва «20» рақами «10» рақами билан алмаштирилсинг.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5212-сон қарори 9-бандининг иккинчи хатбошидаги «1,5» рақами «1,75» рақами билан алмаштирилсинг.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги
ПФ-34-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айrim фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдағи «Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5837-сон Фармонига илованинг 7-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5930-сон Фармонига 4-илова 5-бандининг «б» кичик банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-6021-сон Фармонига 1-илованинг 22-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-6146-сон Фармонига илованинг 54-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

753 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартағи «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари түғрисида»ги ПҚ-5031-сон қарорига ўзгартириш киритиш түғрисида*

Ички бозорда юқори ликвидли ва монопол товарлар нархларини сунъий оширишга, уларга танқислик ва ажиотаж талабнинг вужудга келишига йўл кўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартағи «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари түғрисида»ги ПҚ-5031-сон қарори 1-бандининг «б» кичик банди биринчи хатбошисидаги «2022 йил» сўзлари «2023 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 декабрь,
ПҚ-51-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**754 Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан
қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация
тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, саклаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар (кооперация) фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари хисобидан тижорат банклари орқали қўйидагиларга:

а) фермер, дехқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга — мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, кўқатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратилади;

б) мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга — етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойлик «револьвер» кредит ажратилади. Бунда, ушбу кредит хисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Жамғармага 2 трлн сўм бюджет ссудаси ажратилади.

Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосланган хисобитобларига асосан келгуси йиллар ҳосилини молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг Жамғармага ажратиб борилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 марта бошлаб:

а) мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига — экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан супурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суурита мукофотининг 50 фоизи, бироқ суурита пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, суурита пули хавф-хатардан суурита қилинаётган ҳосил қийматининг 70 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас;

б) мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) — хориждан

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 декабрда эълон қилинган.

малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ бир ойга 1 нафар мутахассис учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари орқали компенсация қилинади. Бунда, мева-сабзавотчилик кластерларига ўзига бириктирилган маҳсулот етиштирувчилар учун боғ ва токзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккали ва мойли экинларни етиштириш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш тавсия этилади;

в) мазкур бандда кўзда тутилган компенсация харажатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

4. Мазкур қарорнинг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган преференция ва давлат томонидан қўллаб-куватлаш тадбирлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, уларни харид қилувчи ташкилот ҳамда тижорат банки ўртасида тузилган шартномаларга эга бўлган, шунингдек, ушбу шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

Давлат солик қўмитаси (Ш.Д. Кудбиеv) мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш учун 2022 йил 1 февралга қадар техник имкониятларни яратсин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида жалб этилган 65 миллион АҚШ доллари микдоридаги маблағлари ҳисобидан кичик агрологистика марказларини барпо этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказларини барпо этиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норкулов), Энергетика вазирлиги (А.С. Султонов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Ш.С. Ҳидоятов), Транспорт вазирлиги (И.Р. Махкамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлклари билан биргаликда:

икки ой муддатда мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар), қайта ишлаш корхоналари ва агрологистика марказлари учун зарур бўлган ташқи муҳандислик (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, автомобиль йўллари) тармоқларини таъмирлаш ва қуриш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи муҳандислик тармоқларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш

учун Осиё тараққиёт банкидан 100 млн АҚШ доллариғача бўлган қарз маблағларини 2022 йил якунига қадар жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Қўйидагилар:

Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг ҳамда кластерлар томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ойлар бўйича таксимоти прогноз кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

2022 йилда амалга ошириладиган совиткичли сифимлар ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):

Агентликка сабзавот, картошка, гул, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш билан шуфулланувчи, шунингдек, «даладан-растагача» тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятига қўмаклашиш вазифаларини юклаш;

Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган, ходимлар умумий чекланган сони 4 — 6 нафар штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларини ҳамда ходимлар умумий чекланган сони 2-3 нафар штат бирлигидан иборат туманлар (Кувасой шаҳар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа оғисларини (кейинги ўринларда — лойиҳа оғислари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъкуллансан.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ходимлар умумий чекланган сони 32 штат бирлигидан иборат тузилмаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

9. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа оғисларига:

иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосил берадиган боғларни (узумзорларни) аниқлаш, уларнинг ўрнида интенсив боғлар (узумзорлар) барпо этиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

интенсив боф ва токзорлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш ва очик танловга чиқаришга амалий жиҳатдан қўмаклашиш;

ажратилаётган кредитлар доирасида тижорат банклари билан биргаликда мева-сабзавотчилик йўналишидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортини ташкил этишга қўмаклашиш вазифалари юклатилсан.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа оғисларига қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича жисмоний

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва юридик шахсларга шартнома асосида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш хукуки берилсин.

10. Белгилансинки:

Агентлик марказий аппарати учун талаб этиладиган қўшимча штат бирликлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа оғисларининг штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидағи мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлимлари ва лойиҳа оғисларининг ходимларига тегишинча Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик директорига Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига шартнома асосида мутахассисларни жалб этиш хукуки берилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалигига инновацион биомаҳсулотларни синовдан ўтказиш хизматлари тизимини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда:

мева-сабзавотчилик туманларини қайта кўриб чиқиб, ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароити ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперация) фаолиятини барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни;

ишлаб чиқарувчи — кластер — тайёрловчи корхона — қайта ишловчи ва экспортёри узвий боғловчи тизимни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Агентлик (Ҳ.М. Каимов), Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (Р.М. Бобоев) уч ой муддатда:

халқаро молия институтлари, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тизимида Республика боғонлар мактаби фаолиятини ривожлантиурсин;

халқаро молия институтлари ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти қошида Сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экинлар, гул ҳамда доривор ўсимликларни интенсив усуlda этиштириш мактабини ташкил этсин.

14. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) икки ой муддатда мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда суғурта мукофоти учун тўловнинг ҳамда хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов)га:

уч ой муддатда республикада мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга мўлжалланган логистика марказларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида ташкил этиш бўйича 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш манзилли дастурини шакллантириш;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга йўналтиришда зарур рухсатнома, сертификатлар ва божхона ҳужжатларининг расмийлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-илова-га мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

икки хафта муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари (лойиҳа оғислари)нинг тегишлилиги бўйича штат жадвалларини тасдиқлаш (ўзгартириб), ўрнатилган тартибда молия органларида рўйхатга қўйилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

19. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М. Каримов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М. Фаниев ва Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 декабрь,
ПҚ-52-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги
ПҚ-52-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини яна-да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4246-сон қарорида:

а) 1-банд, 3-банднинг биринчи хатбошиси, 4-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентликнинг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузурида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «боғдорчилик» сўзлари «интенсив мева-сабзавотчилик» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«замонавий ресурс тежамкор технологияларни, шу жумладан томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив мева-сабзавотчилик, хўраки, кишмишбоп узум плантациялари ва иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш, шунингдек, бозор конъюнктураси таҳлилини хисобга олган ҳолда, интенсив усулда етиштириладиган мева-сабзавот, узум маҳсулотлари турларини кўпайтириш чораларини кўриш»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мева-сабзавотчилик, узумчилик маҳсулотларини саклаш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортини ташкил этиш, шунингдек, ушбу соҳаларда «даладан растагача» тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятини ривожлантириш»;

ўнинчи хатбошидаги «боғдорчилик» сўзлари «интенсив мева-сабзавотчилик» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда:

олтинчи хатбошидаги «боғдорчилик» сўзлари «интенсив мева-сабзавотчилик» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик ва унинг тизимидағи ташкилотлар (лойиҳа оғислари)нинг ҳамда «Агросервис оператор» ДУКнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жамоа шартномасига мувофиқ ходимларни моддий рафбатлантириш, устамалар тўлаш»;

ўнинчи хатбошидаги «боғдорчилик» сўзи «интенсив мева-сабзавотчилик» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5200-сон қарорининг 10-банди тўртинчи хатбошисидаги «20 гектар» сўзлари «10 гектар» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**755 Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш,
шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббуслари-
ни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбир-
лар тўғрисида***

Томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида:

1. Томорқада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги қарз маблағлари кўйидаги босқичларда Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) миллий валютада 4 йиллик имтиёзли давр билан 9 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада ўйналтирилсин:

1-босқичда — 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 2022 йил 1 январга қадар;

2-босқичда — 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 1-босқич маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги натижаларига кўра 2022 йил 1 июнга қадар.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағлар тижорат банкларига ресурс сифатида ўйналтирилган ҳолда, томорқачилик лойихаларини кредитлаш учун оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида белгиланган шартлар асосида:

а) томорқа ер эгаларига:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 декабрда эълон қилинган.

қоида тариқасида, 100 баш парранда, 5 — 10 баш курка, 20 баш қүён, 5-6 баш қўй ва эчки, 5 та асалари уяси, интенсив усулда балиқ боқиши йўлга қўйиш, шунингдек, ихчам иссиқхоналар, «дала дўконлари» куриш, артезиан қудукларини қазиш;

кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик;

полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик учун кредит ажратилади;

б) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) хокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсиясига кўра «Томорқа хизмати» МЧЖларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва митрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун 300 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Бунда, «Томорқа хизмати» МЧЖларга бериладиган кредитлар бўйича Жамғарма маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади;

в) етакчи тадбиркорлик субъектларига аҳоли томорқаларида кишлок хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилади.

3. Белгилансинки, Жамғарма томонидан 2026 йил 1 январга қадар:

томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 млн сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда субсидия берилади;

сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғориш учун вертикал суғориш қудукларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби амал қиласди.

Бунда:

мазкур бандда белгиланаётган чора-тадбирлар учун 2022 йилда Жамғармага Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилади;

сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғориш учун вертикал суғориш қудукларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2026 йил 1 январга қадар ҳар йили Давлат бюджетидан Жамғармага маблағ йўналтирилади;

омборхоналарни жиҳозлаш, сотиб олинаётган қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги «Лойихаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан хulosса берилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартибини тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгари Раиси, вилоятлар ҳокимларига ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда қўйидаги янги вазифалар юклатилсин:

томурқа хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарни жалб этган ҳолда кооперация алоқаларини ташкил этишга кўмаклашиш;

аҳоли хонадонларида, қоида тариқасида, 100 бош парранда, 5 — 10 бош курка, 20 бош күён, 5-6 бош кўй ва эчки, 5 та асалари уяси боқиши ташкил этиш;

маҳсулот етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантирган ҳолда, жойларда «тарқатиш ва маҳсулотларни йиғиб олиш бўйича мобиль хизматлар» фаолиятини йўлга қўйиш;

«хонадонбай» ишлаш асосида худудларнинг тупроқ-иклим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда томорқа хўжаликлигини «Бир махалла — бир маҳсулот» тамоили асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш;

хар бир махаллада кооперация асосида парранда, қуёнчилик, қўй-эч-кичилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларни аниqlаш.

5. Қўйидагилар:

2022 йилда фаолияти кластер усулида ташкил этиладиган «Томорқа хизмати» МЧЖлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

2022 йилда сув таъминоти оғир худудлардаги аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал суғориш қудукларини ишга тушириш прогноз кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари хузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш марказларининг мавжуд штатлари доирасида аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича биттадан агроном штати ташкил этилсин.

7. «Агробанк» АТБ шахсий томорқалардан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида 2022 йил 1 апрелга қадар жисмоний шахслар учун мўлжалланган, аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маркетплейс усулида сотишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича онлайн маслаҳатлар кўрсатувчи маҳсус платформани ишга туширсин.

Бунда, «Агробанк» АТБнинг платформага уланиш ва хизматлардан фойдаланишни белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Белгилансинки, ҳар бир туманда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг масъул ходимларидан иборат (иш хақи сақланган ҳолда) хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган доимий лойиха оғиси ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т. Норқобилов), «Паррандасаноат» ўюнмаси (Б.И. Исаев), манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича лойиха оғисларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда ҳудуд эҳтиёжидан келиб чиқиб, хонаки паррандалар наслчилиги корхоналарини ташкил этсин;

2022 йилда жойлардаги эҳтиёжни ўрганиб ва ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан хонаки парранда тухумларини олиб келиш ҳамда аҳолига тарқатиш чораларини кўрсин.

9. Давлат солик қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда мазкур қарор доирасида ажратилган кредит ресурслари хисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишларига кўмаклашсин.

10. Ҳоким ёрдамчиларига томорқа фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда, қўйидаги вазифалар юклансин:

ўйма-үй юриш орқали томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан ерни тайёрлаш, уруғ, кўчкат ва дараҳтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини, ушбу қарор доирасида томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини, шунингдек, мазкур шахслар ўртасидаги шартнома муносабатларига риоя этилишини даврий мониторинг қилиб бориш;

томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, аҳоли томорқаларини хизматлар билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш.

11. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А. Хайтов, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланилиши бўйича ишларни манзилли ташкил этсин;

бир ой муддатда томорқа ер эгалари ва кооперацияларни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, кооперация аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича қисқа муддатли амалий ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича режа ишлаб чиқсан;

бир ой муддатда томорқа ерларида кичик интенсив боғдорчилик, ли-мончилик ва узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш бўйича намунавий технологик хариталарни, парранда, қуён, қўй ва эчки, асалари уялари, интенсив усулда балиқ боқиш, шунингдек, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш бўйича технологик тавсияларни ишлаб чиқсан ва ушбу йўналишларда интернет тармоғи орқали онлайн маслаҳат бериб борилишини йўлга қўйсин. Тижорат банклари кредитни расмийлаштириш жараёнида қарз олувчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва кредитни қайтариш муддатларини белгилашда технологик харита ва тавсияларни инобатга олсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўми-таси (Б.Т. Норқобилов), «Ўзбекчорванасл» агентлиги (Б.Т. Атамуратов), «Паррандасаноат» уюшмаси (Б.И. Исаев) билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда ветеринария хизматларини кўрсатиш ва озуқа-ем тарқатиш, аҳолини ўқитиш марказларини ташкил этсин;

в) Бош прокуратура (Ш.Ж. Рахимов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурханов), Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) мазкур қарор доирасида ажратилаётган маблағларнинг очиқлик ва ошкоралик тамойили асосида мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда «Ўзбекистон 24» ва «Маҳалла» телеканалларида томорқа хўжаликларида очиқ ва ёпиқ усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш борасида аҳолининг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган телекўрсатувлар намойиш этилишини тизимли ташкил этсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни Ўзбекистон фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар бир ҳудудда очиқ ва ёпиқ усулда сабзавот маҳсулотлари етишириш ҳамда уларнинг экспортини ривожлантириш мақсадида оиласиб тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳалар сонини кўпайтириш учун маҳаллаларда тақдимотлар ва семинарлар ўтказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига З-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А. Хайтов, иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М. Каримов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М. Фаниев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 декабрь,
ПҚ-54-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги
ПҚ-54-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3824-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги учинчи — бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Белгилаб қўйилсинки:

марказлар юридик шахс сифатида ташкил этилади, банкда ҳисоб ракамларига, шахсий ғазна ҳисоб ракамларига, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади;

Марказ директори эгаллаб турган лавозимига кўра туман кенгаши раиси ўринбосари ҳисобланади, лавозимга ҳудудий фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг буйруғи билан тайинланади»;

б) 2-банднинг еттинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги еттинчи — тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«фермер хўжалигининг йил якунига кўра даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш, тижорат банкларидан кредит олиши учун зарур хужжатларни тайёрлаш ва кейинги йил учун бизнес режа тузиш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

Кенгашга аъзолик бадаллари ҳисобланиши ва тўланишини ташкиллаштириш;

агрономлар томонидан фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериш, сифатли уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишида амалий ёрдам бериш»;

в) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Марказларнинг жойлашуви улар томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер хўжаликларининг сонидан ва фермер хўжаликлари учун қулайлигидан келиб чиқсан холда туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари тавсиясига кўра туман ҳокимларни томонидан белгиланади»;

г) 5-бандда:

учинчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, марказларнинг моддий-техника базаси тўлақонли ташкил этилиши учун туман ҳокимлари шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин»;

д) 1-илованинг* матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

е) 2-илова қўйидаги мазмундаги 4-позиция билан тўлдирилсин:

«

| | | |
|----|---------|---|
| 4. | Агроном | 9 |
|----|---------|---|

».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари хузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича агроном — олий маълумотли агроном ёки агроном мутахассислиги бўйича ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган ёки маҳсус ўқув курсларини тамомлаган ҳамда марказларнинг штат жадвалида турадиган жисмоний шахс»;

б) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Марказлар туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эга-

* 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

лари кенгашлари томонидан муассаса шаклида ташкил этилади. Марказ директори эгаллаб турган лавозимига кўра туман кенгаши раиси ўринбосари ҳисобланади, лавозимига худудий фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг буйруғи билан тайинланади»;

в) 7-банднинг еттинчи хатбошиси қуидаги мазмундаги еттинчи — тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш, тижорат банкларидан кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тайёrlаш ва келгуси йил учун бизнес режа тузиш, молиявий ҳисботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолик бадаллари ҳисобланиши ва тўланишини ташкиллаштириш;

агроном томонидан ахолига ўз хонадонларидаги томорқадан самарали фойдаланиш бўйича, шунингдек фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериш, сифатли уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишида амалий ёрдам бериш».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

756 Кимё саноати учун инновацион кимёвий илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республика кимё саноатида илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликни илфор хорижий тажриба асосида самарали ташкил этиш, кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳамда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри татбиқ қилиш орқали соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шу билан бирга, кимё саноатини юқори малакали кадрлар, жумладан, илмий кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон қарорига асосан «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Кимё саноати учун инновацион кимёвий илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластерини (кейинги ўринларда — илмий кластер) ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилиб, илмий кластерни ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳ (кейинги ўринларда — ишчи гурӯҳ) шакллантирилганлиги;

илмий кластер «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг, «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) ва Венгрияning Дебрецен университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари, Тошкент кимё-технология институти, «Ўзбекистон — Корея кимё технологиялари инновация маркази» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти иштирокида ташкил этилиши;

илмий кластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш унинг иштирокчилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар илмий кластер фаолиятининг устувор ўйналишлари этиб белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 декабрда эълон қилинган.

кимё соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот натижаларини республика кимё саноати корхоналарига татбиқ этиш, ушбу тармоқни технологик трансформациялаш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиши;

илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ҳисобига кимё соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини диверсификация қилиш ҳамда янги турдаги импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича илмий тажрибалар ўтказиш;

кимё соҳасида илмий йўналишлар ва тегишли ихтиососликлар бўйича илмий даражали кадрларни тайёрлаш ҳамда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

мақсадли фан-техника ва инновацион дастурларни амалга ошириш орқали кимё фани ва технологияларини мувофиқлаштиришда фаол иштирок этиш;

кимё соҳасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида тегишли илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари ҳамда тармоқ корхоналари билан алоқаларни мустаҳкамлаш;

хорижда илмий кадрларнинг касбий малакасини ошириш, шунингдек, илмий кластер фаолиятига чет эллик олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан, хориждаги соҳага оид ватандошларни жалб қилиш;

илмий кластер илмий ва ўкув фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Фанлар академияси Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси, Хурросон кўчаси, 1-йи манзилидаги Фанлар академияси Ядро физикиси институтига қарашли бўш турган 60 гектар ер участкаси кейинчалик илмий кластер объектларини жойлаштириш учун «Ўзқимёсаноат» АЖга доимий фойдаланиш ҳуқуки асосида бепул ажратилишини таъминласин.

4. «Ўзқимёсаноат» АЖ ва унинг таркибидағи ташкилотлар муассислигига масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Кимё саноати учун инновацион илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластери дирекцияси» (кейинги ўринларда — Дирекция) ташкил этиш тўғрисида «Ўзқимёсаноат» АЖнинг таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Дирекция:

илмий кластер объектларини қуриш бўйича буюртмачи вазифасини амалга оширади;

илмий кластер объектлари қурилиши якунлангандан сўнг уларни балансда сақловчи сифатида бошқариш, сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш, ижарага бериш ва сотиш бўйича белгиланган тартибда хизматлар кўрсатади.

5. Белгилансинки:

а) «Ўзқимёсаноат» АЖ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Дирекция билан биргаликда:

илмий кластернинг моддий-техник базасини (академик ўкув бинолар, лаборатория иншоатлари, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун турар жойлар, зарур материаллар, асбоб-ускуналар ва инвентарлар) барпо этиш бўйича лойиҳавий ечимлар ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши;

илмий кластер объектларини жойлаштириш учун ажратилган ер участкасида ишлаб чиқилган лойиха хужжатлари асосида илмий кластернинг моддий-техник базасини барпо этиш ва фойдаланишга топширишни таъминлайди;

б) илмий кластернинг моддий-техник базаси негизида ушбу қарорнинг 1-банди учинчи хатбоисида санаб ўтилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ижара хукуки асосида бепул жойлаштирилади;

в) илмий кластер биноларининг биринчи ва иккинчи қаватларида, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида қўйидагилар:

маъмурий-ўкув биноларида — кимё, газ-кимё ва бошқа саноат корхоналарининг ваколатхоналари, инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан шуфулланувчи ташкилотлар, стартаплар, коворкинг марказлари, босмакона ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуфулланувчи субъектларни;

ётоқхона, бошқа ёрдамчи бинолар ва уларнинг атрофида — илмий кластер ишчи-ходимлари ва талабалар учун зарур майший, маданий, спорт, озиқ-овқат таъминоти (алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган кўнгилочар масканлар фаолиятини ташкил этиш бундан мустасно) каби хизматларни кўрсатадиган объектларни жойлаштиришга рухсат этилади.

6. «Ўзқимёсаноат» АЖ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги, Фанлар академияси ва Дирекция билан биргаликда:

2021 йил якунига қадар илмий кластер худудида қуриладиган объектлар, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари рўйхатини, шунингдек, 2022 йил 25 декабрга қадар таълим йўналишлари ва ўкув дастурларини кимё саноатини узоқ муддатли ривожлантиришнинг илфор халқаро тенденциялари билан узвий боғлиқликда ишлаб чиқиб, ишчи гурухга тасдиқлаш учун киритсин;

2022 йил 1 ноябрга қадар инжинииринг компаниясини жалб қилган ҳолда илмий кластернинг моддий-техник базасини, илмий кластер худудида қуриладиган объектлар, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини барпо этиш бўйича лойиха хужжатлари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

7. «Ўзқимёсаноат» АЖ Дирекция билан биргаликда илмий кластернинг моддий-техник базасини, илмий кластер худудида қуриладиган объектлар, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини барпо этиш доирасида:

икки ой муддатда лойиха хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиха ташкилотини;

уч ой муддатда танланган техник ечимлар ва лойиха хужжатларининг ишлаб чиқилишини кўриб чиқиш, объектларда қурилиш жараёнларини назорат қилиш бўйича архитектура ва қурилиш соҳасидаги илфор тажрибага эга инжинииринг компаниясини;

2022 йил якунига қадар қурилиш-монтаж ва ишга тушириш ишларини

бажариш бўйича пудратчи ташкилотларни белгиланган қонунчиликка мувофиқ танлов асосида жалб қилсин.

8. Илмий кластер объектларини қуришни молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Тошкент кимё-технология институти ва Дебрецен университетининг Тошкент шаҳридаги филиали обьекти бўйича — хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган ссуда ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали обьекти бўйича — «Ўзкимёсаноат» АЖ, унинг таркибида киравчи ташкилотлар маблағлари, Кимё саноати ташкилотлари ни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон — Корея кимё-технология инновация маркази илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти обьектлари бўйича — хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари, «Ўзкимёсаноат» АЖ, унинг таркибида киравчи ташкилотлар маблағлари ва Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент кимё-технология институти билан биргаликда «Ўзкимёсаноат» АЖга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ссуда тўлиқ ажратилгандан сўнг олти ой мuddатда Тошкент кимё-технология институтига тегишли Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 41 ва 41-А уйлар, Шайхонтохур тумани, Самарқанд дарбоза кўчаси, 60-үй, Навоий кўчаси, 32 ва 36-уйлар, Сергели тумани, Сергели-2 мавзеси, 64-А уй манзилда жойлашган бино ва иншоотларнинг (кейинги ўринларда — бино ва иншоотлар) баҳолаш ташкилотини жалб қилган ҳолда қиймати аниқланишини ҳамда мазкур бино ва иншоотлар Молия вазирлигига оператив бошқарув ҳукуки асосида бепул берилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Тошкент кимё-технология институтини илмий кластер доирасида қурилган янги обьектларга кўчириш ишлари якунлангандан сўнг уларнинг Тошкент шаҳридаги бино ва иншоотлари белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион савдолар орқали сотилади;

бино ва иншоотларни баҳолаш ва электрон онлайн-аукцион савдолар орқали сотишни ташкил этиш Давлат активларини бошқариш агентлигига юклатилади;

ушбу бино ва иншоотларни электрон онлайн-аукцион савдолар орқали сотишдан тушадиган маблағлар, сотиш харажатларини чегирган ҳолда, илмий кластер обьектларини қуриш учун «Ўзкимёсаноат» АЖга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган ссудани ёки жалб қилинадиган кредитларни коплашга мақсадли йўналтирилади;

мазкур маблағлар етмаган қисми бўйича илмий кластер биноларининг тижорат майдонларини сотиш ва ижарага беришдан тушадиган маблағлар

ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган ссудани ёки жалб қилинадиган кредитларни қоплаш учун қўшимча манба ҳисобланади.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар илмий кластер доирасида қурилган янги обьектларга кўчириш ишлари якунлангандан сўнг «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали жойлашган Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 47-үй манзилидаги бино ва иншоотлар негизида кимё саноати учун ихтисослаштирилган замонавий ўрта маҳсус таълим муассасасини ташкил этиш бўйича таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. «Ўзкимёсаноат» АЖ Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Дирекция билан биргаликда 2022 йил якунига қадар илмий кластер худудида қуриладиган обьектлар, шу жумладан, мухандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси обьектларини барпо этиш ишларини бошлаш учун мазкур қарорнинг 8-бандида назарда тутилган молиялаштириш манбалари бўйича ажратиладиган маблағлар миқдорлари ва молиялаштириш механизмларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

11. Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда Ўзбекистон — Корея кимё-технология инновация маркази илмий-тадқиқот ва лойиха институти обьектларини илмий кластер худудида қуриш ишлари бошлангандан сўнг «Ўзкимёсаноат» АЖнинг мурожаати асосида Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти-Кимё технологиялари марказини ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 28 январдаги 39-сон қарорига мувофиқ «Ўзкимёсаноат» АЖ ва Корея Республикасининг Эксимбанки ўртасида «Илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти — Кимё технологиялари марказини ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида «Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти» МЧЖга Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Чоштепа қишлоғи манзили бўйича ажратилган 25,36 га ер майдонини давлат захирасига қайтарсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаментига, «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 декабрь,
753-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

757 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-хукукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида (кейинги ўринларда — Марказ) юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги, унинг маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва сарфланадиган йўналишлари белгиланганлиги;

Марказ музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, ахолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар ва архив ҳужжатлари, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертлик комиссияси тузилганлиги ҳамда унинг таркиби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари:

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

хомийлик хайриялари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Хукумат қарорларига мувофиқ ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

Жамғарма маблағлари сарфланадиган йўналишлар;

илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва ҳужжатларни харид қилиш орқали Марказ китоб фондини кенгайтириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 декабрда эълон қилинган.

илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-куватлаш учун грантлар ажратиш;

ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий тадбирларни ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

Марказ фаолияти учун зарур бўлган мультимедиа ва тармоқ қурилмалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, Марказ фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

Жамғарманни бошқариш тартиби (Марказ директори Жамғарма маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланиши, Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилиш, Жамғарма ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Жамғарма кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби);

Жамғарманинг ҳисобот бериши тартиби (Жамғарманинг йиллик ҳисоботлари унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилганидан сўнг ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг фаолиятини қўллаб-куватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича кенгаши томонидан тасдиқланниши);

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган қўллэзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертлик комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Экспертлик комиссиясини соҳанинг таникли, тажрибали олимлари ва мутахассисларидан иборат таркибда тузиш ва тасдиқлаш;

Экспертлик комиссиясига Марказ директорининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринбосари томонидан раҳбарлик қилиниши;

Экспертлик комиссиясининг жамоатчилик асосида фаолият юритиши;

Экспертлик комиссияси билан боғлиқ барча масалаларнинг ушбу Комиссия аъзоларининг бир йилда икки марта ўтказиладиган йиғилишларида кўриб чиқилиши (навбатдан ташқари йиғилишлар бундан мустасно);

Экспертлик комиссияси томонидан аҳолидан харид қилинадиган ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, баҳолаш ва харид қилиш тартиби;

ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни харид қилишни молиялаштириш манбалари (Марказга ҳар йили мақсадли ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари; Жамғарма маблағлари; ҳомийлик ҳайриялари, халқаро ташкилотларнинг грантлари; Ислом халқаро ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан тушган ихтиёрий бадаллар; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар).

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита Марказ, Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Бадиий академия, Ўзбекистон халқаро ислом академияси би-

лан биргаликда икки ой муддатда миллий ва хорижий тажриба асосида қўллэзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий хужжатлар ҳамда архив хужжатлари ва экспонатларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибида тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига З-иловага мувофиқ 2022 йил 1 январдан эътиборан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш масалалари котибиятига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Ш.Ш. Миноваров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 декабрь,
756-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 декабрдаги 756-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида очилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварафида жамланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

хомийлик хайриялари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Хукумат қарорларига мувофиқ ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

4. Қўйидагилар Жамғарма маблағлари сарфланадиган йўналишлар хисобланади:

илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва хужжатларни харид қилиш орқали Марказ китоб фондини кенгайтириш;

илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий тадбирларни ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

Марказ фаолияти учун зарур бўлган мультимедиа ва тармоқ қурилмалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, Марказ фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

5. Жамғарма маблағлари Марказнинг қўйидаги харажатларига йўналтирилиши мумкин:

Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан замонавий ахборот коммуникация технологиялари, илмий лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш, транспорт воситаларини ва бошқа товар-моддий қимматликларини харид қилиш;

илмий тадқиқотлар асосида қомуслар, каталог ва альбомлар, медиа маҳсулотлар, илмий-оммабоп тўпламлар, телекўрсатув, фильм ва бошқа материаллар тайёрлаш, қўллёзмалар, тошбосмалар ва китобларни сотиб олиш, таржима қилиш ва чоп этиш;

ислом тарихи ва маданияти билан боғлиқ меросни қайта тиклаш, жумладан, қадимий қўллёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, қофоз, китобат, муқовасозлик, хаттотлик санъатини тиклаш ва ислом манбаларини ўрганиш ишларини ташкил этиш;

маҳаллий ва хорижий эксперт ва консультантларни жалб этиш;

ноёб асарлар ва экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, баҳолаш ва харид қилиш бўйича экспертлик комиссияси фаолиятини ташкил этиш, ушбу жараёнга жалб этилган олим ва мутахассисларнинг экспертлик ишларини рафбатлантириш;

Марказнинг Самарқанд қофози, муқовасозлик ва хаттотликнинг қадимианъаналарини тиклаш бўйича устахона-лабораторияси фаолиятига жалб қилинган мутахассисларнинг гонорари (иш ҳақи)ни тўлаш.

6. Жамғарма маблағларини сарфлаш Марказ директори томонидан тас-

дикланган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тегишли ғазна ҳисобвараклари орқали амалга оширилади.

7. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига йил давомида Марказ томонидан белгиланган тартибда ўзгартеришлар киритилиши мумкин.

4-боб. Жамғармани бошқариш

8. Марказ директори Жамғарма маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

9. Жамғарма фаолиятида ва унинг маблағларини тақсимлаш жараёнида шаффофоникни таъминлаш мақсадида Жамғарма кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилади.

Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Кенгаш иштирок этишнинг ихтиёрийлиги ва Кенгаш ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг teng ҳуқуқлилиги таъмйиллари асосида шакллантирилади.

Кенгаш, қоида тариқасида, Кенгаш раиси, унинг ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат таркибда шакллантирилади.

Кенгаш Марказнинг 7 — 9 нафар масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади. Кенгашнинг шахсий таркиби, қоида тариқасида, бир йилда бир марта Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Марказ директори лавозимига кўра Кенгаш раиси ҳисобланади.

10. Куйидагилар Кенгаш аъзоларининг вазифалари ҳисобланади:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни мухокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш;

Марказни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини молиялаштириш бўйича Кенгашга таклифлар киритиш;

Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз бериш.

Кенгаш аъзолари мажлисда шахсан қатнашадилар. Бундай қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда, Кенгаш аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга хақлиdir.

11. Кенгаш раиси:

Кенгаш мажлиси кун тартибини белгилайди ва уни чақиради;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

Кенгаш аъзоларига юклangan вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойини Кенгаш раиси билан келишади;

кун тартиби масалалари бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, вакти, жойи ва кун тартиби лойиҳасидан хабардор қиласди;

Кенгаш қарорлари бажарилиши мониторингини юритади;

Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Кенгаш котиби Кенгаш аъзоси хисобланади.

13. Кенгаш ўз мажлисларини заруратга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказади.

14. Кенгаш мажлисини Кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда, Кенгаш раиси ўринбосари бошқаради.

15. Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки кисми қатнашганда ўтказилган хисобланади.

16. Мажлисни ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда, Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

17. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва бошқа ходимлари таклиф этилиши мумкин.

18. Кенгаш қарори унинг мажлисада қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи овоз хисобланади.

Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ва Марказ директорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

19. Кенгаш:

хисобот йили якуни бўйича Жамғарма маблағларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги хисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қиласди.

20. Марказнинг Молия-хисоб бўлими Жамғарманинг ишчи органи хисобланади.

21. Ишчи орган:

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий рејасини ишлаб чиқади;

даромадлар ва харажатлар сметаларини тайёрлайди, шунингдек, уларга қонунчилик ҳужжатларида белгилangan тартибда ўзгартиришлар киритади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ҳамда асосий харажатлар йўналишлари бўйича хисобини юритади;

хар чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда Кенгашга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади.

5-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланишни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш

22. Жамғарманинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланишни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

23. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Кенгаш томонидан кўриб чиқлади ҳамда ҳар йили январь ойида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг фалиятини қўллаб-кувватлаш ва мувофиқластириш бўйича васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

24. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назорати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

25. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбордor бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 декабрдаги 756-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси
маркази музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини
шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма,
тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни
таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва
баҳолаш бўйича экспертлик комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни

таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертилк комиссиясининг (кейинги ўринларда — Экспертилк комиссияси) мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Экспертилк комиссияси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

3. Экспертилк комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Экспертилк комиссияси ўз фаолиятини ошкоралик ва шаффоффлик тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширади.

2-боб. Экспертилк комиссиясининг асосий вазифалари

5. Қўйидагилар Экспертилк комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ахоли томонидан тақдим этилган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий хужжатлар, архив хужжатлари ва экспонатларни (кейинги ўринларда — ноёб ёзма манбалар ва экспонатлар) пухта таҳлил қилиш, саралаш, ноёблигини аниқлаш ва уларни аник мезонлар (шу жумладан, манбаларнинг қадимийлиги, ҳақиқийлиги, ягоналиги, тўлиқлиги, илмий аҳамияти, бадиий жиҳатлари, атрибуткаси ва бошқалар) асосида баҳолаш;

ахолида сақланаётган ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни ўрганиш бўйича соҳа олимлари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда худудларга имлмий экспедициялар ташкил қилиш;

ахолида сақланаётган ноёб ёзма манбалар ва экспонатлар ҳисобидан Марказ музейи ва кутубхоналари фондини янада бойитишга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш ва тарғибот ишларини амалга ошириш.

3-боб. Экспертилк комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Экспертилк комиссияси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ахолида сақланаётган ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни аниқлаш, улар тўғрисида маълумотлар йиғиш ва бу жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

ахоли томонидан тақдим этилган ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни ҳар томонлама пухта ўрганиш, таҳлил қилиш, саралаш ҳамда баҳолаш жараёнларини ташкил этишда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни баҳолаш учун зарур ҳолларда мустақил баҳоловчи ташкилотларни ҳамда соҳанинг тажрибали мутахассисларини жалб этиш;

ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни харид қилиш билан боғлиқ ҳомийлар маблағларини жалб этиш жараёнларида фаол иштирок этиш;

ўз ташаббуси билан Экспертлик комиссиясига маълумотларни, шунингдек, музей ва кутубхоналарга ноёб ёзма манба ва экспонатларни саклаш учун тақдим этган жисмоний ва юридик шахсларни моддий рафбатлантириш бўйича тегишли ташкилотларга тавсиялар киритиш;

ноёб ёзма манбалар ва экспонатлар эгалари ўзларига тегишли бўлган манбаларни сотишни рад этган тақдирда, бу манбалардан нусха олиш тўғрисида улар билан шартнома тузиш юзасидан Марказга таклифлар киритиш.

Экспертлик комиссияси қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Экспертлик комиссияси:

мазкур Низом талабларига риоя қилиши;

аҳоли томонидан тақдим этилган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий хужжатлар, архив хужжатлари ва экспонатларни баҳолашда илмийлик, холисоналик, ҳаққонийлик, шаффофлик тамойилларига асосланиши;

аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий хужжатлар, экспонатларнинг ноёблигини тегишли ташкилотларнинг қўшма қарори билан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида аниқлаш, баҳолаш ва харид нархи бўйича асосланган хулосалар бериши;

ўз фаолияти натижадорлиги юзасидан илмий ва таҳлилий ахборотлар тайёрлаши, амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиб бориши зарур.

Экспертлик комиссияси қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4-боб. Экспертлик комиссияси фаолиятини ташкил этиш

8. Экспертлик комиссияси соҳанинг таникли, тажрибали олимлари ва мутахассисларидан иборат таркибда тузилади ҳамда таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида тасдиқланади.

9. Экспертлик комиссиясига, қоида тариқасида, Марказ директорининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринбосари раислик қиласи.

10. Экспертлик комиссиясига самарали фаолият юритиши, аҳолидан келиб тушган ноёб манбаларни ва экспонатларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиши учун Марказда зарур шарт-шароитлар яратилади.

11. Экспертлик комиссияси фаолияти билан боғлиқ барча масалалар ушбу Комиссия аъзоларининг бир йилда икки марта ўтказиладиган йиғилишларида кўриб чиқиласи, навбатдан ташқари йиғилишлар бундан мустасно.

12. Экспертлик комиссиясининг хар бир масала бўйича қарори алоҳида овоз бериш йўли билан қўпчилик маъқуллаган ҳолда қабул қилинади.

13. Экспертлик комиссияси қарори овоз бериш жараённада ушбу Комиссия аъзоларининг 70 фоизи иштирок этган тақдирда, қабул қилинган хисобланади.

Овозлар тенг бўлиб қолганда, Экспертлик комиссияси раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

14. Экспертлик комиссияси фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш, сақлаш, шунингдек, йиғилиш баённомалари ва бошқа тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда тегишли ташкилотларга ахборот тақдим этиш ишлари Экспертлик комиссияси котиби томонидан амалга оширилади.

15. Экспертлик комиссияси амалга оширилган ишлар ҳакидаги ҳисоботни доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиб боради.

5-боб. Аҳолидан харид қилинадиган ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, баҳолаш ва харид қилиш тартиби

16. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Экспертлик комиссияси га тақдим этилган ноёб ёзма манбалар ва экспонатлар, улар тақдим этилган кундан бошлаб уч ойгача муддатда Экспертлик комиссияси томонидан таҳлил қилинади ва баҳоланади.

17. Эксперт комиссияси манбаларни баҳолаш натижалари ва уларни харид қилиш қиймати бўйича хулосаларни ҳамда расмийлаштирилган ҳужжатларни (қарорлар, баённомалар) ўн кун муддатдан кечикитмаган холда Марказга тақдим этади.

18. Экспертлик комиссияси ўзи тақдим этган якуний хулоса ва ноёб манбаларнинг рўйхати ҳаққонийлиги бўйича жавобгар ҳисобланади.

19. Экспертлик комиссияси хулосалари ва тақдим этилган ҳужжатлар асосида ноёб ёзма манбалар ва экспонатлар эгалари билан Марказ ўртасида конунчилик талабларига мувофиқ олди-сотди шартномаси тузилади.

20. Шартномага асосан харид қилинаётган ноёб ёзма манбалар ва экспонатлар Марказ музейи ёки кутубхонасининг сақлаш бўлимига далолатнома асосида қабул қилинади ҳамда шартномада белгиланган маблағ эгалига тўлаб берилади.

6-боб. Ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни харид қилиш харажатларини молиялаштириш

21. Куйидагилар ноёб ёзма манбалар ва экспонатларни харид қилиш ҳамда Экспертлик комиссияси фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Марказга ҳар йили мақсадли ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

халқаро ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

конунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7-боб. Якунловчи қоидалар

22. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартиба ҳал этилади.

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 декабрдаги 756-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2022 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси
Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 29-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари «маданият марказларида» сўзларидан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 2 августдаги 572-сон қарорида:

а) 2-банд қўйидаги таҳхирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) раҳбар ва бошқарув ходимларининг (илмий ўналишдаги бўлимлар ва Ахборот-мультимедиа бўлимидан ташқари) базавий лавозим маоши миқдорлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июндаги 366-сон қарорига 30-иловада келтирилган тегишли лавозимлар учун белгиланган миқдорларга мувофиқ белгиланади;

«реставратор», «ишлов берувчи» лавозимлари ҳамда техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга (Ахборот-мультимедиа бўлимидан ташқари) эса ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари 1,5 баравар оширилган ҳолда қўлланилади»;

б) илова (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази устави)нинг 28-бандидаги «даромад» сўзи «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

758 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Кўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тоифаланган обьектларни, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг обьектларини, уларнинг мол-мулкини кўриқлаш учун тузиладиган шартномаларга асосан кўриқлаш хизматларини кўрсатиш эвазига тушадиган маблағлар хисобидан ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби;

ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари томонидан тоифаланган обьектларни, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг обьектларини, уларнинг мол-мулкини кўриқлаш бўйича кўрсатиладиган кўриқлаш хизматларининг турлари;

ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларининг ишчи ва хизматчи лавозимлари, тоифалари ҳамда штатларини ташкил этиш, ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларига ишга кирадиган номзодларга қўйиладиган талаблар, уларни ишга қабул қилиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби;

ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг вазифалари, хукуқ ва мажбуриятлари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, хизматга тўғри таксимлаш ва назорат қилиш тартиби;

ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техник таъминотини ташкил этиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 декабрда эълон қилинган.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 декабрь,
757-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 16 декабрдаги 757-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш
бош бошқармасининг ҳарбийлаштирилган соқчилик
бўлинмалари ва коровуллик бўлинмалари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кеинги ўринларда — Миллий гвардия) Қўриқлаш бош бошқармасининг таркибида идоравий мансуб бўлмаган ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва идоравий мансуб бўлмаган коровуллик бўлинмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ушбу бўлинмалар ишчи ва хизматчиларининг вазифалари, хукуқлари ва мажбуриятларини, бўлинмаларнинг молиявий ва моддий-техник таъминотини ташкил этиш тартиби ни белгилайди.

2. Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармасининг (кеинги ўринларда — Қўриқлаш бош бошқармаси) идоравий мансуб бўлмаган ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва идоравий мансуб бўлмаган коровуллик бўлинмалари шахсий таркиби меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинадиган ишчи ва хизматчилардан иборат бўлади.

3. Ушбу Низомда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари — тоифаланган обьектларни, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг обьектларини, уларнинг мол-мулкини қўриқлаш вазифаларини бажариш учун ташкил этиладиган, қонунчилик хужжатларида белгилangan тартибда хизмат жараёнида жисмоний куч, хизмат қуроли ва маҳсус воситаларни қўллаш хукуқига ҳамда белгилangan намунадаги формали кийим-бошга эга бўлган ишчи ва хизматчилардан иборат, хизмат

фаолияти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнizon ва қоровуллик хизматлари низоми талаблари бўйича ишлаб чиқилган ва Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланган йўриқномага мувофик ташкил этиладиган идоравий мансуб бўлмаган Қўриқлаш бош бошқармасининг таркибий бўлинмаси;

қоровуллик бўлинмалари — давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг обьектларини, уларнинг мол-мулкини қўриқлаш вазифаларини бажариш учун ташкил этиладиган, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат жараёнида жисмоний куч, хизмат қуроли ва маҳсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига ҳамда белгиланган намунадаги формали кийим-бошга эга бўлган ишчи ва хизматчилардан иборат, хизмат фаолияти Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланган йўриқномага мувофик ташкил этиладиган идоравий мансуб бўлмаган Қўриқлаш бош бошқармасининг таркибий бўлинмаси;

қўриқланадиган объект — шартнома асосида қўриқлаш учун топширилган бинолар, курилмалар, иншоотлар, муайян жойлар, уларнинг худудлари, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юклар, пул маблағлари, моддий бойликлар ва бошқа мол-мулклар;

назорат-ўтказиш режими — қўриқланадиган обьектларга (объектлардан) шахслар ва транспорт воситаларининг киришини (чиқишини), мол-мулки олиб киришни (олиб чиқишини) назорат қилиш тартиби;

қўзғалмас пост (йўналиш) — хизмат ўташ учун белгиланган жой ёки худуд.

4. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг қўриқлаш фаолияти ушбу Низом, Миллий гвардиянинг ички идоравий ҳужжатлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2-боб. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш

5. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари Қўриқлаш бош бошқармасининг ваколатлари доирасида, тоифаланган обьектларни, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг обьектларини, уларнинг мол-мулкини қўриқлаш учун тузиладиган шартномаларга асосан қўриқлаш хизматларини қўрсатиш эвазига тушадиган маблағлар ҳисобидан Қўриқлаш бош бошқармаси бошлигининг буйруғи асосида ташкил этилади.

6. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари томонидан куйидаги хизматлар қўрсатилади:

а) ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари томонидан:

объект ёки унинг бир қисмини қўзғалмас пост орқали қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш;

пиёда ёки транспорт воситасида, шунингдек, бошқа воситаларда муай-

ян худуддаги объектларни ёки уларнинг худудларини йўналиш бўйлаб кўриқлаш;

б) қоровуллик бўлинмалари томонидан — қўзғалмас пост орқали объект ёки унинг бир қисмини кўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш.

7. Қуидагилар ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларининг асосий вазифалари хисобланади:

тоифаланган объектларни, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг объектларини, уларнинг мол-мулкини кўриқлаш;

кўриқланадиган объектларда назорат-ўтказиш режими ва объект ички режимларини таъминлаш;

кўриқланадиган объектлар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

кўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда иштирок этиш;

объектларнинг хавфсизлигини таъминлашда хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда хукуқни муҳофаза қилувчи органларга юкландиган вазифаларни ҳал этишда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиш.

Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларнинг лавозимлари, тоифалари ҳамда штатлари мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ ташкил этилади.

9. Объектларни кўриқлаш бўйича ишчи ва хизматчиларнинг фаолиятини ташкил этиш, хизматга тўғри тақсимлаш ва назорат қилиш учун мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари гурухлари тузилади.

10. Объектларни кўриқлаш учун қўзғалмас постлар (йўналишлар)ни кўйиш қоидалари ва шартлари, шунингдек, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш тартиби Миллий гвардиянинг ички идоравий хужжатларига асосан белгиланади.

11. Объектнинг жойлашуви, унинг ва хизматни ўташнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан холда ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари нарядларининг хизмати суткалик ва вахта усулида ташкил этилиши мумкин.

Вахтанинг давомийлиги етти суткагача белгиланади ва бунда нарядларнинг хизматни ўташи тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизмати тўғрисидаги низомга асосан ишлаб чиқилган ва Миллий гвардия кўмандони томонидан тасдиқланган йўриқномага мувофиқ ташкил этилади.

Вахта усулида хизмат ташкил этилганда ишчи ва хизматчиларнинг дам олиши, овқатланиши, ювениши ва улар билан ўқув машғулотларини ўтка-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зиш, уларнинг табель қуролларини сақлаш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт.

12. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланган намунадаги формали кийим-бош ва хизмат гувоҳномалари билан таъминланади.

13. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари томонидан фойдаланиладиган хизмат қуроллари, уларнинг ўқ-дорилари ва маҳсус воситалар турлари, уларнинг сони, таъминлаш ва фойдаланиш тартиби қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланади.

3-боб. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларига ишга қабул қилиш, ишчи ва хизматчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

14. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларига ишга ихтиёрий тартибда, танлов асосида, белгиланган талабларга жавоб берадиган ўн саккиз ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган (қоровуллик бўлинмаларига номзодлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Қабул қилинадиган фуқаролар камида умумий ўрта ёки ўрта маҳсус маълумотга эга бўлиши, соғлигининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлиши лозим.

Эркак номзодлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чакируви резервиде ҳарбий хизматни ўтаган бўлиши керак.

Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари бошлиқлар таркиби Миллий гвардия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда самарали хизмат қилиб, нафақага бўшаган номзодлар сухбат асосида, жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги ҳолатига кўра ишга қабул қилиниши мумкин.

15. Номзодлар билан танлов ўтказиш, хужжатларини расмийлаштириш ва ишга қабул қилиш тартиби ҳамда номзодларга қўйиладиган маҳсус талаблар Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади. Қабул қилинган шахсларга уч ойдан ортиқ бўлмаган дастлабки синов муддати белгиланади.

16. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмаларига қабул қилишда номзодларнинг бўйи ўлчами қўйидаги маҳсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

- эркак номзодлар учун 178 сантиметрдан паст бўлмаслиги;
- аёл номзодлар учун 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги.

Коровуллик таркиби қабул қилинадиган номзодларга антропометрик параметрлар белгиланмайди.

17. Қўйидаги шахсларнинг:

қасдан жиноят содир этган, жинояти учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлган;

суд ҳукми асосида жазони ўтаётган;

мулкка қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилган, шунингдек, жамоат тартибига ёки бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни бир йил мобайнида такроран содир этган шахслар;

рухий касалликларга, гиёхвандликка, токсикоманияга, алкоголизмга чалинган бемор сифатида диспансер ҳисобида турган;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқати чекланган;

давлатнинг бошқа хизматларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган;

ўзи ва яқин қариндошлари тўғрисида била туриб нотўғри маълумотлар тақдим қилганлиги аниқланган;

оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлар;

номзод ва яқин қариндошлари бўйича белгиланган хужжатларни тақдим этишдан бош тортганлар;

хизматни ўташга тўсқинлик қиласиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган номзодлар ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва коровуллик бўлинмаларига ишга қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

18. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган фуқаролар ҳудудий тиббиёт бирлашмарида тиббий кўрикдан ўтади. Тиббий кўрикдан ўтиш шартлари ва уни ташкил этиш тартиби, номзодларнинг соғлиғига бўлган талаблар Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади.

19. Танлов якунига кўра энг юкори натижаларга эришган номзод билан номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузилади. Меҳнат шартномасида ходим бошланғич тайёрлашга жалб этилиши ва белгиланган тартибда ўқув курсини муваффакиятли тамомлаб сертификат олган тақдирда, меҳнат муносабатлари давом эттирилиши, акс ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилиниши хақидаги қоида назарда тутилади.

20. Ишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мажбурий тартибда бошланғич тайёрлашдан ўтади.

Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Миллий гвардиянинг таълим муассасаларида амалга оширилади.

21. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари учун хизмат ва жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-психологик ҳамда жисмоний тайёргарлик вақти иш вақти ҳисобиға киритилади.

22. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари шахсий таркиби билан маҳсус дастурлар асосида қўйидаги тартибда хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотлари ўтказилади:

ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмаларида — ойига 8 соат (ўқув йилида 80 соат);

коровуллик бўлинмаларида — ойига 4 соат (ўқув йилида 40 соат).

23. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлин-

малари ишчи ва хизматчилари белгиланган тартибда ҳар йили тибий кўрикдан, шунингдек, жисмоний тайёргарлик, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва қуролни қўллаш билан боғлиқ шароитларда харакат қилишга яроклилик юзасидан даврий синовлардан ўтадилар. Даврий синовларни ўтказиш тартиби Миллий гвардия кўмонидони белгиланади.

Синов натижалари бўйича қониқарсиз баҳоланган ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг малакаси етарли эмас деб ҳисобланиб, тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

24. Қўриқлаш бош бошқармаси психологлари томонидан тузилган дастур (режа, жадвал)ларга асосан ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари билан маънавий-психологик тайёргарлик босқич-ма-босқич, мақсадли ва доимий равишида ўтказилади.

4-боб. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

25. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчилари хизматни ўташ вақтида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўрнатилган назорат-ўтказиш ва обьект ички режимларига ҳамда жамоат тартибига риоя этилишини талаб қилиш;

қўриқланадиган обьект ҳудудидан мол-мulkни ноқонуний олиб чиқишга ёки қўриқланадиган обьектга тақиқланган нарсаларни олиб киришга уринаётган шахсларни ушлаш;

қўриқланадиган обьектлардаги мол-мulkнинг сақланиши шароитларини, муҳандислик ҳимоя воситаларининг ҳолати ва созлигини текшириш, аниқланган бузилишлар, камчиликлар бартараф этилишини талаб қилиш;

қўриқланадиган обьектга ноқонуний кирганларнинг ёки обьектда ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг шахсини аниқлаш, қўриқлаш хизмати хонасига келтириш ҳамда ушлаб туриш (бундай ваколатлар бўлмаган тақдирда, тегишли ҳуқукни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини чақириш);

муомалада бўлиши чекланган моддалар, шу жумладан қўриқланадиган обьект раҳбарияти томонидан обьектга олиб кирилиши тақиқланган буюмлар рўйхатига киритилган модда бор деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, фуқароларни шахсий қўриқдан ўтказиш, уларнинг ашёлари, кўл юки, багажини кўздан кечириш ҳамда уларни олиб юриш ва сақлаш учун асослар бўлмаган тақдирда мазкур ашёлар, воситалар ҳамда моддаларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини кўздан кечириш, шунингдек уларда ташилаётган юкларнинг кузатув хужжатларига мувофиқлигини текшириш;

қўриқланадиган ҳудудда, патруллик йўналишида содир этилган ходиса ёки жиноятни, маъмурий ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш, жиноят из-

ларини сақлаш мақсадида фуқаролардан ҳодиса жойини тарк этишини талаб қилиш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига, атроф мухитга заарар етказмайдиган қўриқлаш техник воситаларидан фойдаланиш;

қўриқланадиган обьектларга қонунга хилоф равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни аниқлаш учун, шунингдек бундай киришларнинг олдини олиш мақсадида хизмат (қўриқчи) итларидан фойдаланиш;

қонунчиликда назарда тутилган тартибда курол ва маҳсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш, шунингдек жисмоний куч ишлатиш.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи ишчи ва хизматчилар, уларнинг оила аъзолари қўриқланадиган обьектларнинг ишчи ва хизматчилари учун назарда тутилган барча турдаги тиббий ва ижтимоий таъминот (поликлиника, шифохона, дам олиш уйлари, болалар дам олиш оромгоҳлари, болалар боғчалари) турларидан фойдаланади.

Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа хукуқлардан ҳам фойдаланадилар.

26. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари қўриқлаш тури, шакллари ва усулларидан катъи назар, хизматни ўташ жараёнида кўйидагиларга мажбур:

обьектларни қўриқлаш ва қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиши, белгиланган тартибга ва қўриқлаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши, мол-мулкини қўриқлаши ва уни кузатиб бориши;

ўз ваколатлари доирасида давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, шунингдек фуқаролар ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни қўриши;

хизматни ўташ жойларида жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиши;

қўриқланадиган обьектда жиноятнинг, маъмурий хукуқбузарликларнинг ва ҳодисаларнинг излари сақланишини таъминлаши;

жиноят жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган шахсларга биринчи ёрдам қўрсатиши ёки шундай ёрдам қўрсатилишини ташкил этиши;

объектлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик қилиши;

ўз ваколатлари доирасида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга уларга юқлатилган вазифаларни ҳал этишда кўмаклашиши;

қўриқланадиган обьектларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ҳамда фавқулодда ҳодисаларни бартараф этишда иштирок этиши;

қўриқланадиган обьектнинг назорат-ўтказиш пунктларида қўриқланадиган обьект маъмурияти томонидан қўриқлаш хизмати раҳбари билан келишувига кўра тасдиқланган режим бўйича йўриқномага мувофиқ обьектдаги ички ва назорат-ўтказиш режимларига риоя этилишини таъминлаши;

ўзига ишониб топширилган хизмат куроли ва унинг ўқ-дориларининг, маҳсус ва техник воситаларнинг, шахсий ҳимоя воситаларининг ҳамда молмукнинг хавфсиз ва тегишли тарзда сақланишини таъминлаши;

формали маҳсус кийим-бошини белгиланган тартибда кийиб ва фарқлаш белгиларини тақиб юриши;

қўриқлаш фаолиятини амалга ошириши чоғида ўзига маълум бўлиб қолган қонун билан қўриқланадиган хизмат сири ва бошқа сирларнинг маҳфийлигини таъминлаши шарт.

Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларига қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

27. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда қўйидагилар тушунилади:

лавозим мажбуриятларини бажариш;

хизматни ўташ;

хизмат сафарида бўлиш;

кун тартибида белгиланган хизмат вакти давомида ёки хизмат зарурати туфайли қўриқлаш бўлинмалари (қўриқланаётган объект) ҳудудида бўлиш;

хизмат жойига бориш ёки улардан қайтиш;

ўкув йифинларида иштирок этиш;

суд томонидан ишчи ва хизматчиларнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа харакатлари.

28. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари давлат органи вакили ҳисобланади ва давлат ҳимояси остида бўлади.

29. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларидан фақат қўриқлаш фаолияти билан боғлик вазифаларни бажариш мақсадида шартнома асосида фойдаланилади.

5-боб. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмаларининг молиявий ва моддий-техник таъминоти, ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси

30. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари иш ҳақи ва бепул формали кийим-бош билан таъминланади. Ишчи ва хизматчиларга ҳар ойлик қўшимча тўловни назарда тутувчи малака тоифаси, уларнинг моддий-техник таъминоти нормалари, шунингдек, формали кийим-бошни кийиш қоидалари Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади.

31. Кўриқлаш бош бошқармасининг шаклланадиган пул таъминоти жамғармаси доирасида ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларига:

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган

разрядларига кўра лавозим маошларига қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда оширилган коэффициентлар қўлланилади;

бир йилда бир марта икки ойлик лавозим маоши миқдорида рағбатлантирилади;

бир йилда бир марта бир ойлик лавозим маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

32. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари қонунчилик хужжатларида белгиланган ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

33. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари меҳнат фаолияти давомидаги баҳтсиз ҳодисалар ва касбий касалликларидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда давлат мажбурий ижтимоий суғуртаси қилиниши лозим.

34. Ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари хизмат вазифаларини бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда, заарни қоплаш тегишли жамоа шартномалари ва жамоа келишувларига мувофиқ, амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган нормалардан кам бўлмаган тартибда амалга оширилади.

35. Меҳнат шароитлари соғлиқ учун заарли бўлган обьектларда хизмат қилувчи ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчилари шу обьектларнинг ишчи ва хизматчилари учун назарда тутилган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланадилар.

Қўриқланаётган обьектлар маъмурияти, ўз хизмат вазифасини вижданан бажараётган ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ва қоровуллик бўлинмалари ишчи ва хизматчиларини тақдирлаши ва моддий рағбатлантириши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоида

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

759 «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни хисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқقا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон «Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карорига мувофик **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 30 июндаги 105-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни хисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2702, 2015 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 399-модда) иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 ноябрь,
428-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил
12 ноябрдаги 428-сон бўйруғига
ИЛОВА

**«Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни
хисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул
қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган
ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

1) номи ва 1-банндаги «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Курол ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Курол тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон «Курол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофик буюраман:».

2. Ягона талабларда:

1) номидаги «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Курол ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Ягона талаблар Ўзбекистон Республикасининг «Курол тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон «Курол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофик қурол ва унинг ўқ-дориларини хисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журналларини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни белгилайди.»;

3) 1 ва 2-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Ягона талабларда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қурол — тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар. Тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш мақсадидаги буюмлар сифатида сертификатланган буюмлар, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган спорт аслаҳалари қурол жумласига кирмайди;

ўқ-дорилар — қуролнинг жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш учун мўлжалланган ҳамда таркибида портловчи, порохли, улоқтирувчи, пиротехник ёки уриб чиқарадиган моддалар ёхуд уларнинг бирикмаси мавжуд бўлган қурол-яроғ ашёлари ва улоқтириладиган аслаҳаси;

қуролхона — қурол ва унинг ўқ-дориларини сақлашга мўлжалланган,

техник жиҳатдан мустаҳкамланган, қўриқлаш-ёнгиндан сақлаш сигнализацияси ҳамда қўриқлашнинг муҳандислик-техник воситалари ва жисмоний химоянинг бошқа воситалари билан маҳсус жиҳозланган алоҳида иншоот (омбор, хона).

2. Мазкур Ягона талаблар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазирлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий тузилмаларига кирувчи ҳамда ўқотиш спорти ташкилотларига татбиқ этилмайди.»;

4) 3-банддаги «Ўқотар спорт қуроли ва унга ўқ-дориларни» деган сўзлар «Спорт қуроли ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 2-боб номидаги «Қурол ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Қурол ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Юридик шахсга фойдаланишга қабул қилинган ҳамда унда фойдаланилаётган қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳисоби ҳар бир юридик шахсда юритиладиган Қурол ва унинг ўқ-дориларини ҳисобга олиш китоби (бундан буён матнда китоб деб юритилади)да олиб борилади.»;

7) 5-банддаги «қурол ва ўқ-дориларни» ва «қуроллар ва ўқ-дориларнинг» деган сўзлар тегишли равишда «қурол ва унинг ўқ-дориларини» ва «қурол ва унинг ўқ-дориларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 7-банддаги «қурол ва ўқ-дориларнинг» деган сўзлар «қурол ва унинг ўқ-дорилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 8-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ташкилотга» деган сўз «юридик шахсга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «суриштирув ёки дастлабки тергов органининг» деган сўзлар «терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 9-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ташкилотга» деган сўз «юридик шахсга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «суриштирув ёки дастлабки тергов органининг» деган сўзлар «терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Китоб юридик шахс раҳбарининг буйруғи ёки фармойиш тузидағи бошқа ҳужжатлари билан қурол ва унинг ўқ-дориларининг бут сақлашишини, берилиши, қабул қилиб олинишини ҳамда ҳисоби юритилишини таъминлаш вазифалари юкланган масъул шахс (бундан буён матнда сақлаш учун масъул шахс деб юритилади) томонидан юритилади.»;

12) 12 — 14-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Китоб унга кейинчалик тегишли ёзувларни киритиш ҳамда унда

кўрсатилган аксарият ёзувларни ўқиши ва фарқлаш имкониятини бермай-диган даражада механик ёки бошқа турда шикастланган ёхуд йўқолган (талон-торож қилинганди) бўлса, китобдаги маълумотларни тиклаш учун шикастланганлик ёки йўқолганлик (талон-торож қилинганлик) факти аниқланган кундан эътиборан икки иш куни ичидаги юридик шахс ҳисобида мавжуд бўлган барча қурол ва унинг ўқ-дориларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича ишлар ташкиллаштирилиши керак.

13. Инвентаризацияни ўтказиш учун юридик шахс раҳбарининг буйргуи ёки фармойиш тусидаги бошқа хужжати билан қурол ва унинг ўқ-дориларини инвентаризациядан ўтказиш комиссияси тузилади.

Комиссия таркибига сақлаш учун масъул шахс, юридик шахс бухгалтерияси ходими, юридик шахс навбатчилик (коровуллик) хизмати бошлиғи (агар навбатчилик (коровуллик) хизмати мавжуд бўлса) мажбурий равища киритилади ҳамда ҳудудий ички ишлар органининг вакили таклиф этилади.

14. Инвентаризацияни ўтказишида юридик шахсда мавжуд бўлган қурол ва унинг ўқ-дорилари бухгалтерия ҳисоби ҳамда ички ишлар органларининг тегишли маълумотлари билан солишириб чиқилади ва натижаси бўйича далолатнома тузилади.

Далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва юридик шахс раҳбари томонидан тасдиқланади.»;

13) 16-банддаги «Қурол ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Қурол ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 3-бобнинг номидаги «Қурол ва ўқ-дориларни» деган сўзлар «Қурол ва унинг ўқ-дориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 17 ва 18-бандлар кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Юридик шахсга тегишли мақсадда берилган ҳамда қабул қилиб олинган қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳаракати ушбу Ягона талабларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Қурол ва унинг ўқ-дориларини бериш ҳамда қабул қилиш журналида (бундан буён матнда журнал деб юритилади) акс эттирилади.

18. Журналда кўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

қурол ва унинг ўқ-дорилари берилган шахснинг Ф.И.О. ва имзоси;

берилган ва қабул қилиб олинган қуролнинг индивидуал маълумотлари ва унинг ўқ-дорилари миқдори;

қурол ва унинг ўқ-дориларини бериш мақсади;

қурол ва унинг ўқ-дорилари берилган ҳамда қабул қилиб олинган сана ва вақт;

қурол ва унинг ўқ-дориларини қабул қилиб олган шахснинг имзоси.»;

16) 20-банддаги «Қурол ва ўқ-дорилар» деган сўзлар «Қурол ва унинг ўқ-дорилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 21-банддаги ҳамда 34-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ташкилотда» деган сўзлар «юридик шахсда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 23 — 25-бандлар кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Журнал унга кейинчалик тегишли ёзувларни киритиш ҳамда унда кўрсатилган аксарият ёзувларни ўқиши ва фарқлаш имкониятини бермай-

диган даражада механик ёки бошқа турда шикастланган ёхуд йўқолган (талон-торож қилинган) бўлса, журналдаги маълумотларни тиклаш учун шикастланганлик ёки йўқолганлик (талон-торож қилинганлик) факти аниқланган куннинг ўзида берилган ҳамда қабул қилиб олинган қурол ва унинг ўқдориларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича ишлар ташкиллаштирилиши керак.

24. Инвентаризацияни ўтказиш учун юридик шахс раҳбарининг буйруғи ёки фармойиш тусидаги бошқа хужжатлари билан берилган ҳамда қабул қилиб олинган қурол ва унинг ўқдориларини инвентаризациядан ўтказиш комиссияси тузилади.

Комиссия таркибига сақлаш учун масъул шахс, юридик шахс навбатчилик (коровуллик) хизмати навбатчи ходимлари ҳамда бошлифи (агар навбатчилик (коровуллик) хизмати мавжуд бўлса) мажбурий равишда киритилади.

25. Инвентаризацияни ўтказишида қуролхонада сақланаётган ҳамда тегишли мақсадда берилган қурол ва унинг ўқдорилари китобдаги тегишли маълумотлар билан солишириб чиқилади ва натижаси бўйича далолатнома тузилади.

Далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва юридик шахс раҳбари томонидан тасдиқланади.»;

19) 27-банддаги «қурол ва ўқдориларни» деган сўзлар «қурол ва унинг ўқдориларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 28-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Қуролхонада сақланаётган қурол ва унинг ўқдорилари бир нечта юридик шахсга тегишли бўлса, улар бўйича китоб ва журнал ҳар бир юридик шахс томонидан алоҳида юритилади.»;

21) 30-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ташкилот» деган сўз «юридик шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 31-банддаги «ташкилот ҳамда у идоравий мансуб бўлган ташкилотнинг» деган сўзлар «юридик шахс ҳамда у идоравий мансуб бўлган юридик шахснинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) 32-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ташкилот раҳбарининг имзоси ҳамда муҳри» деган сўзлар «юридик шахс раҳбарининг имзоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 37-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Китоб ва журналнинг мазкур Ягона талабларга мувофиқ юритилиши устидан юридик шахс раҳбари доимий назорат олиб бориши шарт. Бунда китобнинг юритилиши ҳар чоракда, журналнинг юритилиши эса ҳар ой юридик шахс раҳбари томонидан текшириб бориши керак. Агар юридик шахсда навбатчилик (коровуллик) хизмати мавжуд бўлса, журналнинг юритилиши навбатчилик (коровуллик) хизмати бошлифи томонидан текшириб борилади.»;

25) 1а — 4-иловалар ушбу ўзгаришишларнинг 1 — 6-илваларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
 ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

760 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-6

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
 2021 йил 17 ноябрь,
 344-В-6-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 декабрда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиб департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 ноябрь,
42-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
17 ноябрдаги 344-В-6-сон ва Ўзбекистон
Республикаси Баш прокуратураси хузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб
департаментининг 2021 йил 11 ноябрдаги
42-сон қарорига
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартеришлар ва қўшимча**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«нобанк кредит ташкилоти — Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган ломбард фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқномага эга бўлган ломбард ташкилоти ёки микрокредит ташкилотлари фаолияти учун лицензияга эга бўлган микрокредит ташкилоти;».
2. 21-банд «а» кичик банднинг тўққизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
 «учинчи шахслар мижознинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлган суммадаги мажбуриятларини нақд пул маблағлари билан бажариш учун мурожаат қилганида, шу жумладан бундай операция ўзаро боғлиқ бўлиб кўринадиган бир ёки бир нечта операцияни бажариш орқали амалга оширилаётган ҳолларда;».
3. 35-бандда:
 1-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
 «1) учинчи шахслар томонидан мижознинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги мажбуриятларининг нақд пул маблағлари билан бажарилиши (мажбуриятларда шахсларнинг ўзгариши);»;
 12-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
4. Куйидаги мазмундаги 39¹-банд билан тўлдирилсин:

«39¹. Марказий банк нобанк кредит ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу нобанк кредит ташкилотларнинг фаолиятидаги жиной ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эхтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни йилига камида бир марта амалга оширади ва ўрганиш натижаларини таваккалчиликларни секторал баҳолаш тўғрисидаги хисобот кўринишида ҳужжатлар билан қайд этади ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чоралар кўради.

Таваккалчиликларни секторал баҳолаш тўғрисидаги хисобот ва аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чоралар Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан тасдиқланади.».

5. 40-банднинг «Ж» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ж) мижозларнинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бара-варига teng ёки undan ошадиган суммадаги мажбуриятларини нақд пул маблағлари билан бажармоқчи бўлган шахслар;».

6. 49-банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шубҳали операция хақидаги хабар нобанк кредит ташкилоти томонидан у аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Жиной ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши қурашиб билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ маҳсус ваколатли давлат органига берилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

761 Магистраль нефть маҳсулотлари қувурлари қуришда ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2655-1

Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилика ва коммунал-маший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2015 йил 22 январдаги 8-сон буйруғи (рўйхат рақами 2655, 2015 йил 10 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 6-сон, 74-модда) билан тасдиқланган Магистраль нефть маҳсулотлари қувурлари қуришда ишлар хавфсизлиги қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 ноябрь,
18/ЮБ-13-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2021 йил 24 ноябрдаги 18/ЮБ-13-сон қарорига
ИЛОВА

**Магистраль нефть маҳсулотлари қувурлари қуришда
ишлар хавфсизлиги қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 6-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

2. 9-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқарышдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

3. 32-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 35-банддаги «худудий давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

**762 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик
факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тас-
диқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хукукий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини ўйқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2021 йил 3 ноябрь,
415-сон

П. БОБОЖНОВ

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил
3 ноябрдаги 415-сон бўйруғига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик
факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ-5076-сон «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 декабрда эълон қилинган.

этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) касбий тайёргарлик факультети (кеинги ўринларда факультет деб юритилади)га ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Факультетга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига жавоб берадиган, ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган олий маълумотга эга, ҳарбий хизматни ўтаган (эркаклар учун), соғлигининг ҳолатига кўра ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқли деб топилган, дастлабки ва маҳсус-профессионал танловдан муваффақиятли ўтган шахслар ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари қабул қилинади.

2. Факультетга ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири (кейинги ўринларда вазир деб юритилади) томонидан тасдиқланадиган қабул қвоталари асосида амалга оширилади.

2-боб. Факультетга ўқишга қабул қилиш

3. Факультетга ўқишга қабул қилиш учун вазир буйруғи билан танлов эълон қилинади.

Танловларни ўтказиш муддатлари ва қабул қилиш шартлари оммавий ахборот воситалари, шунингдек Институтнинг расмий веб-сайти орқали кенг ёритилади.

4. Танлов шартлари факультетнинг таълим мутахассисликларига мувофик келадиган таълим йўналишлари ёки мутахассисликлари бўйича белгиланади.

5. Факультетга танлов тенг ҳуқуқлилик, адолатлилик, ошкоралик ва ўқишга қабул қилишнинг ягона қоидалари асосида босқичма-босқич бўлиб, дастлабки танлов Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда худудий ички ишлар органлари деб юритилади)да ҳамда маҳсус-профессионал танлов Институтда амалга оширилади.

6. Дастлабки танловда қўйидаги тадбирлар ўтказилади:

хужжатларни тўплаш ва ўрганиш;
умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;
тиббий кўрикдан ўтказиш.

Факультетда ўқиши стагида бўлган ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари дастлабки танловнинг фақатгина хужжатларни тўплаш ва ўрганиш тадбирларида иштирок этади.

7. Институтда маҳсус-профессионал танлов бўйича қўйидаги тадбирлар ўтказилади:

хужжатларни ўрганиш;
тибий кўрикдан ўтказиш;
номзоднинг интеллектуал билим даражасини баҳолаш;
якка тартибдаги якуний сухбат.

8. Худудий ички ишлар органлари бошлиқларининг буйруғи билан факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот ва дастлабки танлов тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ишчи гурух (кейинги ўринларда ишчи гурух деб юритилади) тузилади.

9. Факультетга ўқишига қабул қилишни сифатли ташкил этиш мақсадида вазир буйруғи билан қабул комиссияси тузилади ҳамда унинг таркибидаги кичик комиссиялар таркиби тасдиқланади.

Вазир ўринbosари — Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) бошлиғи қабул комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) Касбий тайёргарлик бошқармаси бошлиғи ва Институт бошлиғи қабул комиссияси раисининг ўринbosарлари этиб тайинланади.

Институт бошлиғи Қабул комиссиясининг ишлаши учун зарур шартшароитлар яратади ва кичик комиссиялар ишини ташкиллаштиради.

10. Қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлари ва Институт ходимлари киритилади.

Қабул комиссияси таркибига республиканинг турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари келишув асосида жалб қилиниши мумкин.

11. Қабул комиссияси таркибida номзодларнинг хужжатларини ўрганиш бўйича ҳамда номзодларнинг интеллектуал даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссиялар тузилади.

Қабул комиссиясига юклатилган барча вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича жавобгарлик қабул комиссиясининг раиси, унинг ўринbosарлари, кичик комиссия раислари ва қабул комиссиясининг масъул котиби зиммасига юклатилади.

12. Ишчи гурухлар ва қабул комиссиясининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун вазир буйруғи билан Департаментда ишчи гурух тузилади.

3-боб. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот

13. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғиботнинг асосий мақсади ёшларга ички ишлар органларида хизмат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва унга қўйиладиган талабларни ёритиш ҳисобланади.

Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот доирасида ёшларга касбга доир маслаҳатлар берилади, номзодларнинг шахсий фазилатлари, қизиқишлиари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органларида муайян ўйналишлар бўйича хизмат қилишни танлашда бевосита ёрдам кўрсатилади.

14. Департамент томонидан тарғибот бўйича ишларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши, Интернет тармоғида Институтнинг веб-сайтларида уларнинг фаолиятини акс эттирувчи материаллар вакти-вакти билан янгиланиб турилишини назорат қилиб борилади.

15. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот ишларини ўтказишда Институт зиммасига факультетдаги ҳаёт ва ўқишининг ўзига хослиги тўғрисидаги плакатлар, буклетлар, видеороликлар шаклидаги ахборот материалларини Вазирлик таркибий ва худудий бўлинмаларига тарқатиш вазифаси юклатилади.

16. Факультетга қабул қилиш бўйича тарғибот ишларини ўтказишда Вазирлик таркибий ва худудий бўлинмалари зиммасига қўйидаги вазифалар юклатилади:

ички ишлар органларининг фаолияти, факультетдаги ўқув-тарбиявий жараён тўғрисидаги видеороликлар намойиш қилиш, шунингдек фахрийлар ва Институтнинг вакиллари билан мунтазам учрашувларни ташкил этиш;

ёшлар билан ички ишлар органларидағи хизмат тўғрисида давра сухбатлари ташкил этиш хамда якка тартибда тушунтириш ишларини олиб бориш;

Институт билан мустаҳкам алоқалар ташкил этиш ва боғлаш.

4-боб. Дастлабки танлов тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш

17. Дастлабки танловнинг асосий мақсади факультетга ўқишига кириш истагини билдирган номзодларнинг келгусида ички ишлар органларида хизмат қилиши учун соғлиғи ва руҳий мослиги, барқарор ички эътиқоди, маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш ҳисобланади.

18. Факультетга ўқишига кириш учун аризалар (билдиргилар)ни қабул қилиш муддати бир ой этиб белгиланади.

Аризалар (билдиргилар)ни қабул қилиш вақтининг бошланиши ва туғаши вазирнинг факультетга номзодлар танловини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи билан тасдиқланади.

19. Факультетга ўқишига кириш истагини билдирган олий маълумотга эга бўлган фуқаролар доимий яшаш жойидаги ички ишлар органига мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза билан, олий маълумотга эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари эса хизмат ўташ жойи бўйича раҳбар номига мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги билдирги билан мурожаат қилади.

20. Аризага қўйидагилар илова қилинади:

номзод томонидан қўлда ва компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;
анкета (ўзи ва яқин қариндошлари тўғрисида маълумот).

Аризани қабул қилган ички ишлар органи ходими мазкур бандда кўрсатилган хужжатларни тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб олади.

* Иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

21. Ички ишлар органлари ходимларининг билдиригисига қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

қўлда ва компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;
анкета (сўровнома).

22. Факультетга ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганишда номзод тўғрисидаги маълумотларни режали жамлаш ва тизимлаштириш ҳамда номзоднинг ижтимоий фаоллиги ва маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлаш бирламчи вазифа хисобланади.

23. Факультетга ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар)ни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 15 кун ичидаги ички ишлар органлари ишли гурухи таркибига киритилган мутахассислар томонидан мазкур Низомнинг З-иловасида* келтирилган методикага мувофиқ номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги баҳоланади.

Умумжисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларга тиббий қўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

Умумжисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан ўтолмаган номзодлар дастлабки танловнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди. Бунда, номзоднинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари тўхтатилади.

24. Номзодларни тиббий қўрикдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Тиббий қўрик натижаси бўйича номзоднинг соғлиғига кўра ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқлилиги тўғрисида хulosса берилади.

Соғлигининг ҳолатига кўра ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқсиз деб топилган номзодлар маҳсус-профессионал танлов тадбирларига қўйилмайди.

25. Номзодларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида номзод томонидан ҳужжатлар белгиланган муддатда тўлиқ тақдим этилмаганда, ички ишлар органларида хизмат қилишга тўскинлик қилувчи салбий маълумотлар аниқланганда ёки соғлигининг ҳолати бўйича хизматга яроқсиз деб топилган тақдирда ҳужжатларини расмийлаштирилиши тўхтатилиб, уларни ички ишлар органларига қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади ва бу ҳақида номзодга ёзма хабар юборилади.

26. Дастлабки танлов тадбирларидан муваффақиятли ўтган ҳамда шахсий ҳужжатлари йиғмажилди ўрнатилган тартибда тўлиқ расмийлаштирилган номзодларни маҳсус-профессионал танлов тадбирларидан иштирок этишга юбориш тўғрисида ҳудудий ички ишлар органлари томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда хulosса қабул қилинади ҳамда номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажиллари ҳудудий ички ишлар органлари томонидан Институтга юборилади.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-боб. Махсус-профессионал танлов

27. Номзодларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавий-ахлоқий савиасини, умумий дунёқарашини, ўз нуктаи назарини асослаб бериш қобилиягини ҳамда ички ишлар органларининг ўзига хос касбий фаолиятига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини аниқлаш махсус-профессионал танловнинг асосий мақсади ҳисобланади.

28. Департаментда ташкил этилган ишли гурӯҳ томонидан махсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш муддатлари белгиланган режа-жадвал ишлаб чиқилиб, ҳудудий ички ишлар органларига юборилади.

Ҳудудий ички ишлар органлари ишли гурӯҳлари режа-жадвалга мувофиқ номзодларни махсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш муддатлари билан таниширади, уларнинг белгиланган муддатларда Институтга шахсини тасдиқловчи хужжат билан тўлиқ холда етиб келишларини таъминлайди.

29. Махсус-профессионал танлов тадбирларини ўтказиш давомида номзодлар туар жой ва озиқ-овқат билан таъминланмайди.

30. Қабул комиссия таркибидаги номзодларнинг хужжатларини ўрганиш бўйича кичик комиссия тақдим этилган шахсий хужжатлар йиғмажилдларини рўйхатга олади ҳамда уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади.

31. Тиббий кўрикдан ўтказиш мазкур Низомнинг 24-банди талаблари асосида ўтказилади.

Тиббий кўрик натижаси бўйича номзоднинг ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Соғлигининг ҳолатига кўра ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқсиз деб хисобланган номзодлар махсус-профессионал танловнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

32. Ички ишлар органларида хизматга номзодларнинг интеллектуал билим даражасини баҳолаш мазкур Низомнинг 5-илювасида* келтирилган методикага мувофиқ қабул комиссияси таркибидаги кичик комиссия томонидан ўтказилади.

33. Якуниятни суҳбат коллегиал принцип бўйича мазкур Низомнинг 6-илювасида* келтирилган методика асосида қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

34. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб хисса қўшган профилактика инспекторларининг олий маълумотга эга бўлган ёрдамчиларига Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлигининг тавсиясига асосан факультетга квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

6-боб. Ўқишига қабул қилиш

35. Махсус-профессионал танлов тадбирлари якунида қабул комиссии

* Иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

яси номзодларни ўқишига қабул қилиш масаласини кўриб чиқади ҳамда ўтказилган ички ишлар органларида хизматга номзодларнинг интеллектуал даражасини баҳолаш ва якка тартибдаги якуний сухбат натижаларининг умумий йиғиндисига кўра ҳудудий қабул квоталари (ўринлар) бўйича номзодни факультетга ўқишига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Факультетга ўқишига қабул қилинган номзодлар рўйхати Институтнинг қабул йиғини ўтказиладиган жойга қўйилади.

36. Қабул комиссиясининг қарори мазкур Низомнинг 7-иловасида* кўрсатилган шаклдаги баённома билан расмийлаштирилади.

Мазкур баённома номзодларни факультетга ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

37. Факультетга ўқишига қабул қилинган ички ишлар органлари ҳарбий хизматчилари ва ходимларига ўз хизмат ўташ жойларига тақдим этиш учун уларнинг ўқишига қабул қилинганини бўйича буйруқдан кўчирма берилади.

38. Махсус-профессионал танловга белгиланган муддатда етиб келмаган номзодлар учун қўшимча равишда тадбирлар ўтказилмайди.

39. Ички ишлар органларида хизматга номзодларнинг интеллектуал даражасини баҳолаш ва якка тартибдаги якуний сухбат натижаларига кўра икки ёки ундан ортиқ номзоднинг тўплаган умумий баллари teng бўлиб қолган тақдирда уларнинг барчаси ўқишига қабул қилинади.

40. Махсус-профессионал танлов бошланишидан олдин ички ишлар органларида хизматга номзодларнинг интеллектуал даражасини баҳолаш ва якка тартибдаги якуний сухбат натижалари юзасидан номзодларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига асосан Апелляция комиссияси ташкил этилади.

41. Апелляция комиссиясига номзодлар томонидан ариза ва шикоятлар қабул комиссияси йиғилишининг ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги баённомаси эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида берилиши мумкин.

Апелляция комиссияси тақдим этилган ариза ва шикоятларни улар келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаган муддатда мурожаат қилган номзод иштирокида кўриб чиқади. Апелляция комиссияси қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

7-боб. Якуний қоидалар

42. Номзодлар белгиланган қоидаларга риоя қилмаган тақдирда қабул комиссияси қарори асосида танловнинг исталган босқичида ундан четлатилиши мумкин.

43. Факультетга ўқишига кира олмаган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажиллари махсус-профессионал танлов натижалари эълон қилинган кундан эътиборан 10 кун ичидан тегишли ҳудудий ички ишлар органларида қайтариб юборилади.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

44. Номзодларни ўқишига қабул қилиш учун асос бўлган хужжатлар Институтда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил
3 ноябрдаги 415-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2941, 2017 йил 27 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.10.2017 й., 10/17/2941/0181-сон);

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 26 февралдаги 84-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2941-1, 2020 йил 25 март) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.03.2020 й., 10/20/2941-1/0359-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

763 Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги конунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 ноябрь,
27/4-сон

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил
25 ноябрдаги 27/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,
нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилишга
доир йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Банк биносида ва банк биносидан ташқарида ташкил этилган чакана амалиётлар кассаларида касса операциялари билан биргаликда валюта айр-бошлиш операциялари ҳам амалга оширилган тақдирда, улардаги нақд пул ва қимматликлар хисоби банкнинг хисоб сиёсатига мувофиқ юритилади.».

2. 27-банднинг «д» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) ахолидан банк депозит ҳисобваракларига омонатларни нақд пулда қабул қилиш мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги кирим касса ордери бўйича;».

3. 41-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари, 81-банднинг бешинчи хатбошиси, 145-банднинг тўртинчи хатбошиси, 146-банднинг иккинчи хатбошиси, 147-банднинг иккинчи хатбошиси, 148-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 166-банднинг учинчи хатбошиси ва 218-банднинг бешинчи хатбошисидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварак» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 43-банднинг биринчи хатбошиси, 267-банднинг биринчи хатбошиси, 291-банднинг иккинчи хатбошиси ва 29-иlovанинг матнидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварағи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 44-банднинг иккинчи хатбошисидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварак» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 47-банднинг «в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) ахолининг банк депозит ҳисобваракларидаги омонатларини ва унга ҳисобланган фоизларни нақд пулда тўлаш мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги чиқим касса ордери бўйича;».

7. 126-банда:

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2 000 сўмлик банкнотлар учун — эни 15 mm бўлган битта сариқ йўлли;»;

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«20 000 сўмлик банкнотлар учун — эни 15 mm бўлган иккита қизил йўлли;»;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равища еттинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. 132-бандда:

биринчи хатбоидаги «1 ва 3 сўмликлар алоҳида, 5, 10, 25, 50 ва 100 сўмликлар алоҳида, 200, 500 ва 1000 сўмликлар алоҳида, 5000, 10000,» деган сўзлар «1000 сўмликлар алоҳида, 2000 ва 5000 сўмликлар алоҳида, 10000 ва 20000 сўмликлар алоҳида,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бир хил номинал қийматга эга бўлган турли йиллар намунасидағи банкнотлар алоҳида дасталанган ҳолда ўраб-боғланиши лозим.»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равища учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. 150-бандда:

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нақд пул ва бошқа қимматликларни сақлаш учун топширган давлат органи ходими 004-шаклдаги квитанцияни йўқотган ҳолларда ёки бошқа сабабларга кўра, уни банкка тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаса, бундай ҳолларда сақлашга топширилган нақд пул ва бошқа қимматликларни банк кассасидан қайтариб олиш учун ушбу давлат органининг республика миқёсидаги юкори турувчи ташкилоти (вазирлик, қўмита, идора ёки бошқалар) томонидан чиқарилган буйруқ асос бўлиши мумкин. Ушбу буйруқда банк кассасига сақлаш учун топширилган қимматликларни қайтариб олиш ваколатига эга бўлган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда олинадиган қимматликларнинг тўлиқ ва батафсил рўйхати қайд этилган бўлиши лозим.»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равища тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварақ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 161-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк (филиал) чакана амалиёт кассаси томонидан нақд миллий ҳамда хорижий валюталарда касса операциялари амалга оширилган ҳолларда, нақд пул ва бошқа қимматликларнинг ҳисоби банкнинг ҳисоб сиёсатига мувоғиқ амалга оширилади.».

11. 163-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк (филиал) томонидан бошқа ҳудудда (ёки ҳудуддаги бошқа туманда, шаҳарда) кассалар ташкил этилган ҳолларда, банк иш куни охирида ушбу кассалардаги лимитдан ортиқча нақд пуллар ва бошқа қимматликлар қолдиклари ҳамда кунлик касса ҳужжатлари ушбу касса жойлашган ҳудуддаги банк филиалига ёки инкассация хизматига сақлаш учун топширилади.»;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк (филиал) биносидан ташқарида ташкил этилган касса ходимла-

ри амалиёт куни якунида қолган лимитдан ортиқча нақд пул ва бошқа қимматликлар қолдигига чиқим касса ордерини расмийлаштириб, 10109 — «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари» ҳисобварағида акс эттиради. Бунда, нақд пул ва бошқа қимматликлар қолдигини сақлаш учун топшириш бевосита инкассация гурухи аъзолари томонидан, шунингдек инкассация хизмати ёки банклар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати бўлинмалари ўртасида тузилган шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати кузатуви остида банк кассири томонидан амалга оширилиши мумкин.»;

кўйидаги мазмундаги бешинчи — ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Нақд пул ва бошқа қимматликлар қолдигини сақлаш учун топшириш инкассация хизмати ходимлари орқали амалга оширилганда, расмийлаштирилган чиқим касса ордерининг орқа томонига нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган инкассация сумкасини (қопини) қабул қилувчи инкассаторга берилган ишончноманинг рақами, санаси, инкассаторлар гурухи аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда уларга топширилган сумкаларнинг (қопларнинг) умумий сони қайд этилиб, инкассаторлар гурухи аъзолари томонидан имзоланади.

Нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган инкассация сумкаси (қопи) банк (филиал) ёки инкассация хизмати томонидан сақлаш учун қабул қилинганда, қабул қилувчи масъул ходим томонидан балансдан ташкари ҳисобварақ бўйича кирим касса ордери икки нусхада расмийлаштирилади ва унинг бир нусхаси инкассаторлар гурухига берилади.

Навбатдаги иш куни эрталаб, нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган инкассация сумкаларини (қопларини), уларни топширган банк кассасига етказиб бериш учун инкассаторлар гурухига топшириш, балансдан ташкари ҳисобварақ бўйича чиқим касса ордерини расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бунда, ушбу хужжатнинг орқа томонида қабул қилувчи инкассаторга берилган ишончноманинг рақами, санаси, инкассаторлар гурухи аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда уларга топширилган сумкаларнинг (қопларнинг) умумий сони қайд этилиб, инкассаторлар гурухи аъзолари томонидан имзоланади.

Нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган инкассация сумкаси (қопи) инкассация хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати кузатуви остида банк кассири томонидан банк (филиал) ёки инкассация хизматига сақлаш учун топширилганда, қабул қилувчи масъул ходим томонидан балансдан ташкари ҳисобварақ бўйича кирим касса ордери икки нусхада расмийлаштирилади ва унинг бир нусхаси топширувчи банк кассирига берилади.

Навбатдаги иш куни эрталаб, нақд пул ва бошқа қимматликлар солинган инкассация сумкалари (қоплари), уларни топширган банк кассасига инкассация хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати кузатуви остида олиб кетиш учун уларни топширган банк кассирига, балансдан ташкари ҳисобварақ бўйича чиқим касса орде-

рини расмийлаштириш орқали берилади. Бунда, ушбу хужжатнинг орқа томонида қабул қилувчи банк кассирининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда топширилаётган сумкаларнинг (қолларнинг) умумий сони қайд этилиб, қабул қилувчи банк кассири томонидан имзоланади.

Нақд пул ва бошқа қимматликлар қолдиғи инкасация хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардиясининг қўриқлаш хизмати кузатуви остида банк кассири томонидан мазкур худуддаги банк филиалига қайта санаш учун топширилганда, топширувчи банк кассири томонидан мазкур Йўриқноманинг 8а-иловасига мувофиқ шаклдаги бланк тўлдирилади.».

12. 170-банднинг биринчи хатбошисидан «, шунингдек кун охирида кассадаги лимитдан ортиқча нақд пуллар ва бошқа қимматликлар қолдиқларини, кунлик касса хужжатларини банк (филиал)га ёки саклаш учун у жойлашган тумандаги (шаҳардаги) тижорат банки филиалига етказиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. 190-банднинг олтинчи хатбошиси ва 192-банднинг иккинчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобвараклари» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобвараклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 209-банднинг иккинчи хатбошиси, 230-банд, 284-банднинг учинчи хатбошиси ва 294-банддаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагида» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварагида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 217-банднинг иккинчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобвараги» ва «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагига» деган сўзлар тегишли равишда «балансдан ташқари ҳисобварак» ва «балансдан ташқари ҳисобваракқа» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 219-банднинг бешинчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобваракларида» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобваракларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 264-банднинг иккинчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобваракларида» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобваракларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 265-банднинг биринчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобваракларидаги» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобвараклардаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 290-банднинг учинчи хатбошиси, 297-банднинг иккинчи хатбошиси, 339-банднинг биринчи хатбошиси ва 343-банднинг биринчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагига» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварагига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 292-бандда:

биринчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобвараги» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобвараги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагига» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварагига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 295-банддаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварағидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 25-иловада:

3-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1000 (2001 йил намунасидаги), 5000 (2013 йил намунасидаги), 10000 (2017 йил намунасидаги), 50000 (2017 йил намунасидаги) ва 100000 (2019 йил намунасидаги) сўмлик банкнотлар учун катақ майдони 144 x 78 мм.ни;

2021 йил намунасидаги 2000 ва 5000 сўмлик банкнотлар учун катақ майдони 142 x 69 мм.ни;

2021 йил намунасидаги 10000 ва 20000 сўмлик банкнотлар учун катақ майдони 147 x 69 мм.ни ташкил этади.»;

12-банддаги «кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварағига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 28-илова матнидаги «Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари» деган сўзлар «Балансдан ташқари ҳисобварақлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 30-илованинг матнидаги «Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари» деган сўзлар «балансдан ташқари ҳисобварақлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 12 ноябрдаги 428-сон «Идоравий ва спорт ўқотар қурол ва ўқ-дориларни хисобга олиш китоблари ҳамда уларни бериш ва қабул қилиш журнallарини юритиш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2702-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 17 ноябрдаги 344-В-6-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2021 йил 11 ноябрдаги 42-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-6.

3. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 18/ЮБ-13-сон «Магистраль нефть маҳсулотлари қувурлари қуришда ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 14 декабрдаги рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2655-1.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 3 ноябрдаги 415-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3342.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 25 ноябрдаги 27/4-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,

нақд пул ва бошқа қимматликларни инкасация қилишга доир йўриқномага ўзгариши ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори.

2021 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-5.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2941, 2017 йил 27 октябрь), шунингдек унга қўшимча ва ўзгаришилар (рўйхат рақами 2941-1, 2020 йил 25 март).

2021 йил 14 декабря давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур хужжатлар қонунчиликка ўзгариши киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.